




Морқұл Ҳайитқұлов

СНА ЕР
ХАҚИДА
Күшик

Норқул ҲАЙИТҚУЛОВ

ОНА ЕР
ҲАҚИДА
ҚҮШИҚ



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент — 1978

Хайитқұлов Норқұл.

Она ер ҳақида құшиқ Т.: «Еш гвардия»,
1978. 80 бет.

Хайиткулов Н. Песня о земле.

333

X $\frac{10903-157}{356 \ (06)-78} 4-78$

© Издательство «Еш гвардия» — Ташкент — 1978.

«Қишлоқда ҳам жиддий проблемаларни ҳал қилиш лозим. Ҳосилнинг ва чорвачилик маҳсулдорлигининг анча кўпайтирилишини таъминлаш, қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини яхшилаш соҳасидаги ишларни кенг авж олдириш зарур. Жуда кўп ишларни бажаришга тўғри келади. Шу билан бирга бу ишларнинг ҳаммаси асосан оддий иш бўйлмай, балки ғоят масъулиятли ишлардир».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ЕР БАҲОСИ

Ер баҳоси! Кўпчиликни ўйлантириб қўядиган жумбоқ. Молдаван қаламкашлари Митрофан Вэтаву ва Георге Модарчикнинг ер баҳоси, қадр-қиммати ҳақида айтган қўйидаги сўзларини тингланг:

«Биз профессордан сўрадик: «Еримизнинг ҳар гектари неча сўм туради?» У бизга зимдан қаради-да, саволимизни ҳазилга йўйиб жилмайди: «Ахир, ким ерни сотаркин?»— деди. Ҳеч ким? Маълумки, бизда ер сотилмайди,— у халқники. Борди-ю, халқ ўз бойлигининг баҳосини билмоқчи бўлса-чи! Ҳар ҳолда, бир гектар ер неча сўм туаркин-а?

Профессор ўрнидан туриб, шкафдан қалин муқовали китобни олди. Бу В. В. Докучаев асари эди. Буюк олим Молдавия ерларини «аъло сифатли ерлар» деб баҳолаган ва ер куррасида унинг тупроғига тенг кела-диган ҳосилдор тупроқ йўқлигини таъкидлаб, уни «ҳеч ким қувиб ета олмайдиган араб чавандози»га қиёс қилган эди. «Бу ерлар бебаҳодир!»— В. В. Докучаев ўтган асрнинг охирида шундай хуносага келганди.

Профессорнинг ҳикоясини тинглаб, Голландиядан келган уч олим билан бўлган суҳбатни эсладик. Улар ҳосил залваридан шохлари эгилиб турган олмазор-у, узумзорларимизни кўриб, ҳайратда қолишиб ва бошлирини иргаб: «Қандай ажойиб ерлар-а!»— дейишди.

Шунда улардан бири Голландия ерлари ҳақида сўзлаб берди: «Бизга денгиз ёқасидаги тошлоқ ерлар насиб қилган. Тупроқни ўнлаб-юзлаб километр узоқдан ташиб келтирамиз. Сизда эса, у мана шу жойда, оёғингиз остида. Яна қандай тупроқ денг! Чинакам баҳт-ку бу! Хўш, Молдавиянинг бир гектар ери неча сўм бўлиши мумкин? Профессор, ниҳоят бундай деди: «Олимларимиз қора тупроқли ернинг ҳар гектарини тахминан 15 минг сўм баҳолайдилар,— у бир зум жим қолди ва кейин сўзида давом этди.— Лекин колхозларимизда ерни мутлақо пул тўламай олишингиз мумкин. Сизга неча гектар ер керак?»

Бизга кўп ер керак эди. Бизни бутун республика ерлари қизиқтирас, ташвишлантиради!

Сиз-у бизни-чи? Ер масаласи кимни қизиқтирмайди дейсиз!

ДЕҲҚОН ЕРГА ҚАЛБ ҲАРОРАТИНИ БЕРАДИ

Паҳтакорлар чигит экишга қизғин киришиб кетган кунлар эди. Олди бригадалар, бўлимлар, хўжаликлар экишини тугаллаганликлари ҳақида рапорт бера бошлигандилар. Бундай хушхабарлар газеталарнинг биринчи саҳифаларида кўзга яққол ташланиб турарди.

Биз машҳур деҳқон Шоймардон Қудратов билан учрашиш ниятида эдик. У ўша йиллари қалби даъвати билан қўриқ ерга кўчиб келганди. Комплекс механизацияшган бригадани бошқаарди.

Бригада 1971 йилда ерга уруғ ташлашни бир ҳафта-ўн кун кеч бошлиди. Лекин шундай бўлса-да, Шоймардон Қудратов сира шошмасди. У бригада аъзоларига ерга яхшироқ ишлов беришини, ерга уруғ ташлаганда универсал тезлигини оширмасликни қайта-қайта тайинларди. Унинг бундай бамайлихотир ҳаракати теварак-атрофдагиларни таажжублантиради. Мен бу бамайлихотирлик бонсини билмоқчи бўлиб, ундан сўрадим:

— Шоймардон ака, бошқа бригадаларнинг экишда ўзиб кетаётганиклари сизни ташвишлантирумайдими? Ахир, сиз..

Шоймардон Қудратов ориқ, бармоқлари узун кафти билан «Тўхтанг!» ишорасини қилди. Қисиқ кўзлари билан маъноли боққанча:

— Бу ёғини айтмасангиз ҳам бўлади. Сиз, ўзингиз донгдорсиз-у, ҳаммадан ортда судралиб юрибсиз, демоқчисиз, шундайми? Ҳа, шундай демоқчисиз, яширмай қўя қолинг. Агар хўп десангиз, мен нима учун орқада имиллаб юрганимни сиздан ҳозирча сир тутсам. Куздами ёки бирон вақт топганингизда айланиб келсангиз, бу гапга яна қайтармиз. Аммо мен сизга ҳозир бошқа бир воқеани айтиб бермоқчиман, нима дейсиз?

— Хўп, қулоғим сизда,— дедим.

Шоймардон Қудратов калта қошларини учирди. Ўйчан гап бошлади.

— Мен кеча областга кетгандим. Ўғит масаласида. Директор келибди. Механизаторимиз Холмурод Қаримовнинг универсални қуий тезликда ҳайдатганлигини кўриб ғаши келган шекилли, уни ёнига чақириб сўрабди: «Мақсадинг нима сенларнинг?»— дебди. Холмурод елка қисиб қўйибди. Бундан директорнинг баттар жаҳли чиқиб: «Елка қисасан-а! Тушунмадинг шекилли? Нима, универсал ҳайдаяпсанми ёки тошбақа миниб юрибсанми? Йў-ўқ. Шаймардоннинг мақсади... Тушунмаяпман сенларни! Совхозни ортга тортишдан нима фойда!»— деган. Холмурод тек турмай, ловуллаб турган ўтга яна керосин қўйган: «Директор бова, чигитни олдин экиб қаёққа ҳам борардик. Ҳалиги, бир нақл борку: «Шошган қиз...» Директор «Хў нақлингдан ўргилдим! Олдин экиб қаёққа ҳам борардик эмиш... Ахир, бирон марта бюорода оёғингда тик турган бўлсанг экан... Биргина сенларнинг айбларинг билан кеча райком бюросида, бугун обком секретари олдида қизардим. Етар энди... Шаймардонга тайин айт: ўз аравасини ўзи

төртсийн. Бирога юғирийни ташлаган дэхжон дэхжон эмас, ҳа!»— деган.

Холмурод далага келишим билан бу мажарони оқизмай-томизмай менга айтиб берди. Директорнинг дард халтасини ёрганилигини эшишиб кулгим қистади. Чунки у олдин ҳам бир-икки келиб, ҳазил-мутойиба аралаш қочириқ қылганлигидан унда бизнинг бригадага нисбатан аллақандай шубҳали дард пайдо бўлганлигини пайқаб қолган эдик. Мен Холмуродни ҳовридан тушириб қўйдим. «Ҳўп, директор айтган бўлса, бу қонун, укам. Демак, у экиши тезлатинглар, тракторнинг юришини тезлатинглар, депти. Илож йўқ, бажаришимиз керак», дедим. Шундай дедим-у, ўзим кечқурун директор ҳузурига кириб бордим. У зўрга қўл узатди. Ҳолаҳволни ҳам бир четга йиғишириб:

— Мени кўп гапга қўйдингиз, Шоймардон!— деди. Бир фурсат нима жавоб бераримни билмай турдим. Ди-ректор ўзига-ўзи гапираётгандек давом этди.— Шу йил гандан қутуламиزمи дегандим, бўлмади. Оёқдан тортдиларинг. Шу олтмиш-у олтмиш деганига бало бормиди! Экавермайсизми ўша ўзимиз кўникиб қолган усуlda. Нима фарқи бор? Бу эски, бу янги... Эскисидан ҳам, янгисидан ҳам пахта олинади. Ёки биридан олтин пахта, иккинчисидан оддий пахта олинадими? Ҳаммаси бир-ку, ахир!

— Йўқ, ҳаммаси бир эмас. Олтмишликнинг афзалик томонлари кўп. Биринчидан, чигит тежалади. Иккинчидан, кўчат нобуд бўлмайди. Учинчидан ишлов бериш қулай. Тўртингчидан, машина бемалол ишлай олади. Сиз айтган эски усул-чи? Олдин чигитни ерга ташлаб, у кўкарғач, квадрат қиласман деб, кўндалангига кесиб чиқиш керак. Бу билан тонналаб чигитни нобуд қилиш мумкин. Чигит текинга олинмайди-ку. Бунинг устига қанчадан-қанча ортиқча ишчи кучи, ёнилғи сарф бўлади. Кўндалангига эгат олиш пайтида бир қисм кўчат илдизига зиён этиши ҳам турган гап. Бизга бундай

фойдасиз усулнинг зарурати йўқ. Биз янги усусли қўлладик. Тежалган вақт ва маблағ ҳисобига ғўзани яхшироқ парваришлаймиз, озиқлантирамиз,— дедим ва гапим тамом дегандек, унинг тунд юзига тикилиб турдим. У бироз ўнгайсизланди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олиб:

— Оҳ-о, жуда ақлли гаплар,— деди.— Яхши... Эртаниндин бирор яна бир янгиликни ўйлаб чиқади. Унга ҳам ёпишиб олсангиз керак?

— Масалан?

— Масаланими... Айтайлик, олтмишлиқдан ҳам бошқачароги тажриба қилиб кўрилса?

— Бундан афзал бўлса, уни ҳам тажриба қилиб кўрамиз. Директор бова, одамга ақлли гап хуш ёққани сингари ерга ҳам янги тажриба боп тушади. Ахир, ҳар бир янги тажриба олимларимиз, дехқонларимизнинг олам-олам ақли маҳсули-ку.

Директор стол четини бармоқлари билан бир маҳомда чертганча, пешонасини тириштириб, ўрнидан турди.

— Сиз билан мунозара қилиш қийин. Эҳ... Одамларимиз нақадар ақлли бўлиб кетишган-а! Ундей десанг, бундай дейишади. Йўқ десанг, ёқангдан олишади... Мен ҳозир биринчи секретарга қўнғироқ қилишим керак. Бугун совхозда экин тугалланиши лозим эди. Нима дейман энди?

— Нима дердингиз, Шоймардон орқага тортяпти денг қўйинг-да...

Орадан бир неча ой ўтди.

Августнинг биринчи ярми. Кўпчилик бригадаларда ҳосилни танлаб териш бошланди. Мен совхозга телефон қилдим: «Шоймардон Құдратов бригадаси теримга тушдими?»

Жавоб: «Йўқ!»

Августнинг иккинчи ярми. Кўпчилик хўжаликларда

дефолиация бошланди. Совхозга телефон қилдим: «Қудратов бригадаси ғұза баргини түктияптими?»

Жағоб: «Йұқ. Құсаклари ҳали түқ әмасмиш!»

Сентябрь. Область ва район газеталарида йигимтеримнинг бориши ҳақида маълумотлар босила бошлади. Радио терим илғорларига атаб концертлар беришга киришди. Мен совхозга телефон қилдим: «Қаҳрамон бошлиқ бригадада бирон янгилик борми?»

Жағоб: «Ха, бор. Үнинчи сентябрда дефолиацияни бошламоқчи. Құл теримидан воз кечиши. Юз фойиз ҳосилини машиналарда териб оламиз дейишаپти».

Шундан кейин ҳаммаси худди афсонадагидай бўлди. Совхоздан хушхабар кела бошлади.

— Қудратов бригадаси бир кунда йиллик пахта тайёрлаш планининг олти проценти миқдорида ҳосил йиғиб топширди.

— Ишонасизми, олти процент!

— Үн процент.

— Үн беш!..

— Қаҳрамон бошлиқ бригада планни бажарди.

— Олти кунда-я?

— Ха, қойил!

— Демак, областда биринчи, шундайми?

— Ха, биринчи!

Иигирма олтинчи сентябрь куни Шоймардон Қудратовнинг ҳатто бош қашлашга ҳам вақти бўлмади. Энг аввал республика газеталари, радио мухбирлари саволга тутишди. У «ана энди қутулдим, машинани гуруллатиб юргизаман-у, қўшни биргадага ёрдамга ўтаман деб турганида область мухбирлари бориб қолишиди. Айниқса, фотомухбир уни анча овора қилди. Қудратов «Ха, бўлди, ҳозир аппаратини чиқиллатиб босади», деса, мухбир тушмагурнинг миясига яна қандайдир фикр келади-да, «Рулга яқинроқ туринг» ёки «Кўзингизни каттароқ очиб, ҳов узоққа қаранг», дейди ёки яна бошқа гап топади. Буниси ҳам ўтди. Тушдан кейин район газетаси

ходими келди. У бир оз хижолат тортиб, Қудратовни ғалаба билан табриклади. «Орамиз бир қадам-у, эшиг-маммиз-да», деб қўйди.

Қўёш оғиб, меҳмонлар сийраклашиб қолганда навбат менга етди.

— Келинг,— деди Шоймардон Қудратов.

— Келдик. Хушхабарнинг қаноти бор дейдилар-ку, эшигдим-у, ҳамма ишни бир томонга сурис қўйиб, ҳузурингизга шошилдим,— дедим сиполик билан.

Қудратов бўртиб турган ёноқ суюгини кўрсаткич баромғи билан бир-икки ишқади. Қейин чаман бўлиб очилган ўқариқ четидаги бир туп ўззадан кўз узмай:

— Хушхабар яхши нарсаку-я, аммо ташвишини қаранг,— деди ва маъноли жилмайди.— Ҳали буниси ҳолва. Қечқурун кўрасиз... Мен сизга айтсан, ҳозир ғолиблик шаробини сипқориб, кайф қилиш фурсати эмас. Ҳар минут фанимат. Ахир, 20—25 минутда бир бункер тўлади-я! Лекин қўйишмайди. Йўқ десацг ҳам ёпишиб олишади. Бу гаплар сизга тегишли эмас. Қўнглингизга олманг. Сиз билан тунда сұҳбат қурамиз.

Қўёш Қоракамар тоғи чўққисига мингандада бригада шийпони ёнига изма-из машиналар келиб тўхтади. Олдин обком вакили, кейин райкомдаги ўртоқлар Шоймардонни табриклашди, ўй-режалари, ҳосилдорликни неча центнерга етказиши, яна қанча пахта териб, бункердан тўкиши ҳақида сўрадилар. Сұҳбат сўнггида, хайрлашиш учун қўл узатишаркан, нима етишмовчиликлар борлиги, масалан, областдан, райондан нима ёрдам зарурлиги ҳақида сўраб қўйишиди. Қудратов ҳамма нарса етарли дегандек, кафтини кўксига қўйиб, раҳмат, деди.

Улар кетгач, қўшни совхозлардан таниш-билишлари, ёр-жўралари келишди. Хуллас, уззукун у дала оралай олмади.

— Бўлари бўлди, келинг-е, мулла ака, бир кун кетса кетибди-да,— деди у ўзини хотиржам қилиш учун.

Шийпонда, шундоққина пайкал четидаги йигма кара-

вотларга чўзилиб ётибмиз. Чўл гумбази бутун борлиги билан намоён бўлади. Сонсиз-саноқсиз юлдузлар чарак-лаб турибди. Шоймардон Қудратов улар ичидан ўз юлдузини излаётгандек жим кўкка термулади. Бир пайт ёнбошига ағдарилди ва:

— Сиз нимани сўрамоқчисиз, айтайми? — деди.

— Айтинг, — дедим.

— Сиз ҳаммадан кейинда эдингиз-у, қандай қилиб карвоннинг олдига ўтиб олдингиз, деб сўрамоқчисиз, шундайми? Баҳордаги айтилмай қолган сир сизни қизиқтиради, билдимми?

— Топдингиз.

— Бўлмаса, мен сизга бир воқеани айтиб берай. Унда колхозда ишлардим. Шўрчида. Олдинига оддий бригадани бошқардим. Кейин адир биқинидан беш-олти киши бирлашиб ер очдик-да, насос ёрдамида сув чиқариб деҳқончилик қила бошладик. Бир гал, март ойида раис келди-да: «Кўмлоқ ерга чигитни ҳозироқ экмаса, қуёш ҳарорати ошгац, ер қизиб, уруғ намини тезда қочиради, чигит ниш отишга улгуролмай қолади», деди. Хўп, дедик. Чигит экдик. Эрта баҳорда бир-икки марта челакдан қўйгандек ёмғир ёғди. Ер усти қатқалоқ бўлиб, чигит чириб кетди. Агроном келиб, тезда қайта экинглар, бўлмаса пахталаринг кечки бўлиб қолади, деди. Яна шоша-пиша экдик. Фўзамиз энди икки қулоқ бўлгандан уст-устига дўл тушиб, далани шип-шийдон қилиб кетди. Охири, майнинг биринчи ҳафтасида ерга ташланган уруғ бинойидек кўкариб, бехатар ўсади.

Бешқўтон даштига ўтганимда яна худди шундай ҳодисани кузатдим.

Нормат Умаралиев чўлдаги энг ёш бригадирлардан эди. У 1960 йилда Сирдарё обlastидаги «Малик» совхозида очилган қишлоқ хўжалик техникумини тамомланган. Кейин армия сафида хизмат қилди. Шўрчидағи Жданов номли колхозда тракторчи бўлиб ишлади. Бўлгани шу. Бу даврда эса деҳқончилик сир асрорини би-

лиш қийин, албатта. Лекин юрагида ўти бор экан, чўлга келибди.

Рости, биринчи йили чўл уларни шошириб қўйди. Қайта-қайта чигит экди у. Улар учинчи марта бузамиз деб туришганида нимадир сабаб бўлиб мең бориб қолдим. Нормат дарду ҳасрат қилди: «Узимиз билан ўзимиз бўлиб ётибмиз. Бирон аҳвол ҳам сўрамайсиз, Шоймардан ака. Ҳамшаҳарликни ҳам Шўрчида қолдириб келгансизми дейман», деди у.

— Сиз маслаҳат сўрамасангиз, укам. Бола йиғламаса, онаси сут бермаскан, укам,— дедим ва дала бошида чизель ҳамда бороналарнинг тахт турганини кўриб сўрадим.— Яна бузмоқчимисиз?

— Ҳа,— деди у.

— Бугун ойнинг нечанчи куни?

— Апрелнинг ўн беши.

— Ўн беш... Бузсангиз бузинг-у, аммо ерга яна ўн кундан кейин чигит ташланг,— дедим. Райондан кимдир келиб, Норматни роса «савалабди». Бу хатти-ҳаракатинг учун бюорода жавоб берасан, депти. Экишни орқага сурниш, бу, жиноят, депти. Ёш-да, гапдан ҷўчиб, сеялка юргизибди. Оқибати нима бўлди денг? Нормат яна доғда қолди.— Шоймардан Кудратов чанг босган қошлигини бир учирив қўйди.— Ана шундай гаплар... Бўйруқ билан чигит кўқартириб бўлмас экан, ҳа!

Ахир, сизга шу бир парча ерни топширишибдими, демак, ишониш ҳам керак-да, шундайми? Деҳқон кузни ўйладиди, бугунни эмас. Газетадаги маълумотда экиш юз фойиз бўлса-ю, куз ўтиб, қиши киргандга ҳам карвон ортида юрсангиз... Кимга керак бу маълумот? Икки-уч кун кўкрак кериб мақтаниш учунми? Бе!.. Кекса деҳқонлар яхши билишади: ер худди инсон каби эҳтиёт муносабатни ёқтиради. Шошма-шошарликни, пала-партишиликни ҳечам сийлаган эмас у. Сиз Бобомурод Омоновни яхши танийсиз. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати, ўн беш йилдан бери

республикада донғи кетган «Коммунизм» колхозини бошқариб келяпти. Мен сизга айтсам, шу хўжалик бир вақтлар роса қолоқлашиб кетган эди. Пахта ҳам, чорва ҳам олдинга силжиши ўрнига, ортга кетабошлиган. Уста дэҳқон Бобомурод Омонов хўжаликни оёқقا турғизди. Ҳосилдорликни йил сайин ошириб борди. Ана, энди, бугунги кунда эллик центнерчи колхоз. Хўш, бундай юксалишилар боиси нимада?

Раис ер тилини биладиган, ҳар йилги тажрибалардан хулоса чиқарадиган, пахта тўғрисида, чорва тўғрисида бош қотирадиган кишиларни танлаб, бригадалар ва фермаларга юборди. Четдан кузатганлар, «раисга осон, ҳеч ким билан иши йўқ. Бирон бригада бошлиғига сен уни ундей, буни бундай қил демайди. Далани айланиб айланиб, машинасига ўтиради-да, бошқа бригадага ўтиб кетаверади», дейди. Йўқ, бу фикр иотүғри. Раис ер қалбини тингламаганларни аёвсиз койийди. Ӯсимлик тилига тушунмаганларга эса, бошқа, ўзига мос иш тошишни маслаҳат беради. Лекин ҳеч қачон ҳеч кимга буйруқ бермайди. Раиснинг маслаҳатига ижодий ёндошиш эса дэҳқоннинг ўзига ҳавола.

— Ана шундай гаплар,— деди Шоймардон Қудратов суҳбатга якун ясагандек.— Кўрганларим, эшитганларим, тажрибаларим, бошқалар тажрибалари — ҳаммасини бирга қўшиб, чамалаб, бригадамиз шароитига мослаҳтириб, пахта этиштияпмиз, мулла ака.

Шоймардон Қудратов иягини кафти билан силаб, йиғма каравотни ғичирлатганча ўринидан турди.

— Ой ботгунга қадар икки-уч бункер бўшатай. Сиз эса бемалол дам олаверинг.

У шийлон биқинидаги «Ўзбекистон»нинг ўнг-сўлига ўтиб кўрди-да, лип этиб ўриндиқча чиқиб олди. Кейин стартерни босиб, машинани ўтлади. Рулни карта томон бурди. Эгатга тушишдан олдин машинани бир дақиқагина тўхтатди-да, тормоз педалини аста-секин бўшатди. Машина кенг дала узра сузиб кетди. Бункерга тўхтов-

сиз тушаётган паға-паға қор сингари оппоқ пахта ўйини, пайкал узра ёйилиб қолаётган чанг, гард-гурдлар машинанинг фараси ва ой ёруғида аллақандай сөхрли туюларди.

Мен Шоймардон Қудратов ҳақида ўйлардим. Унинг яқин дўсти, касбодоши, «Комсомолобод» совхози комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ССРР Олий Совети депутати Отамурод Худойназаров бисотидаги ҳамма илиқ сўзларни қўшиб, у ҳақда ҳикоя қилиб берганди.

— Ерни эъзозлаганин ер ҳам эъзоларкан. Шоймардон ердан қалбини, илмини, меҳрини аямаганди, ер ҳам ундан мурувватини аямади.

Қудратов қарийб саккиз йил чўлда бригадирлик қилди. Шу даврда пахта ҳосилдорлиги унинг бригадасида 14 центнердан 55 центнерга етказилди. Ўзи эса юзлаб тонна «оқ олтиини» «зангори кема» бункеридан тўкди. Кейин у Бешкўтон даштларидан Қизириқ чўлига ўтди. Бу ерда янги совхоз барпо этилди. Унинг биринчи номи «Дўстлик» эди, сўнг Сурхондарё область партия ташкилотига кўп йиллар етакчилик қилган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Нуриддин Муродов номи берилди.

Шоймардон Қудратовнинг ерга бўлган меҳри бу ерда ўн чандон ошди. У ҳатто карталарнинг тўғри келган жойидан тортиладиган ўқариқлар ўрнига водопровод қувурлари ўтказиш йўлини қидирди. Бу таклифини мутахассисларга айтди. Ўзи ҳисоблаб чиқиб, бундан совхоз қанчалик наф кўражагини исботлаб берди. Мутахассислар ҳам бош қотиришди. Ростдан ҳам, 10 гектарлик картада ўқариқ тортилса, қарийб икки гектар ер зое кетаркан. Шаймардон эса бу ерларда ҳам пахта етишириб, 40 центнердан ҳосил олмоқчи эди. Борди-ю, мутахассислар хўп деб, ғўзани водопровод орқали сугора-

баргларидагы шудринг томчилари инжудек осилиб турибди.

— Уч кун тинимсиз ёғди,— деди райком секретари Муқим Иброҳимов кўкка кўз тикиб.— Булут яна қалинлашяпти. Ана, шамоли ҳам келди. Ҳализамон яна ёғиб бермасайди.

— Ёғаверсин-да, ҳалақит бермас,— дедим мен.

Иброҳимов сўзларимни тасдиқлаган бўлиб, бош қимирлатиб қўйди.

— Ёғаверсин-у, аммо ҳали жиндай ниҳоясига етмаган юмушларимиз ҳам бор-да. Байрамга мажбуриятни бажарайлик деб, бошқа ишларни унугаёзган эканмиз. Масалан, ҳайдов тракторлари ремонти, чорва қишлови... Ҳамма кучни теримга ташлабмиз-да! Энди бўлса, шошадиганга ўхшаймиз. Ҳа, дарвоқе, сиз энг илгор хўжалик дедингиз-а? «Ленинобод»дан ўтари йўқ бизда. Бир йилда ҳосилдорлик ўн центнерга ошди.

— Йўғ-е?

— Ҳа, ўн центнерга! Гектар бошига 48 центнердан ҳосил йифишиди, азаматлар. Келгусида эллик центнерга, сўнгроқ олтмиш центнерга етказиш режасини ҳам ўйлаб қўйишган.

Нормурод Норқобилов — гавдали йигит. Гапиргандагулча юзи кулиб туради. Сўзлари вазмин. Бирон фикр билдирига, қўй кўзлари сиздан жавоб кутиб, беозор боқиб туради. Бир лаҳзадаёқ унинг одамохун киши эканлигини билиб оласиз. Негадир, биз худди олдиндан бир неча бор учрашиб, давра қурган танишлардек, апоқ-чапоқ бўлиб кетдик.

Гап тизгини келиб колхоз юмушларига тақалди.

— Сўнгги кўраклар қолди. Шуни ҳам ворохдан ўтказсан, йиғим-теримни ниҳоясига етди, деймиз. Ўзи-ку, шу икки-уч тонная кўрак қолсаям бўларди. Қанча пахта чиқади, бундан? Тележкачи пунктга ортиб боришга орқилади. Лекин ози ҳам, кўпи ҳам пахта-да. Сира кўз қиймайди. Бригадир отпуска беринг деб оёқ тираб ту-

рибди. Мен бўлсам, шу ишни бир ёқлик қилинг, кейин дам оласиз, дедим.

Шийпондан сал қўйироққа, йўл айрилишда яп-янги «Москвич» келиб тўхтади. Ундан ориқ, қорачадан келган, мўйна телпагини бостириб кийиб олган киши тушди.

— Бу бригадиримиз — Эрдон Қўзимуродов. Утган йили шу ер бор-йўғи 30 центнердан пахта берғанди. Эрдон элликдан олди. Меҳнати эвазига енгил автомашина билан мукофотланди. Фалат... Қўплар ишонишмайди: «Бир йилда ҳосилдорлик 20 центнерга ҳам ошиши мумкинми», дейишади. Мумкин экан-ку! Йисботини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Давримиз ўзи шунаقا. Яқиняқингача одамлар космосга ҳам учармиш, деган гапни ақлимизга сифдиролмасдик. Энди бўлса, оддий нарсадек гўё. Худди шундай, деҳқончиликдаги бундай кескин ўсишлар ҳам дастлаб кўпчиликни ҳайратга солади, кейин гўё шундай бўлиши табиийдек, унга лоқайд қараймиз.

Бригадир салом-алиқдан кейин, бир пиёла чойга таклиф қилди Машинасини чаққон буриб, орқа эшикни очди. Бироқ райком секретари ҳам, раис ҳам бараварига, яёв борамиз, дейишди.

Тупроғи босилиб, асфальтдек текис бўлиб қолган йўлдан қишлоқ томон кетдик. Йўлнинг ўнг томони йўнгичқазор. Унга мол қўйиб юборишибди. Сигир-у, қўй-эчкилар япроқлари тунги аёздан сарғайиб хазон бўла бошлаган, бор-йўғи бармоқ бўйи ўсишга улгурган йўнгичқани кирт-кирт узиб ейди. Йўлнинг чап томони эса кенг пайкал. Даля фўзапоя тусини олган. Пайкалининг қуйисидан универсал ўрмалаб келяпти. Уша томонда яна икки ҳайдов трактори кўзга ташланади. Тракторлар атрофида уч-тўрт киши имирсиб юрибди. Бурқсиган тутун кўтарилади. У намхуш ҳавода секин ёйилиб, фўзапоя ичидаги сингиб кетади. Бу ҳаракатни изоҳсиз ҳам тушиниш мумкин эди: колхозда ерни шудгорлаш бошланётир.

Уша куни эллик центнерчи хұжаликда күзги шудгор бошланғаилиги ҳақида редакцияга шошилинч хабар жүннатдим. Колхоз областда биринчи бўлиб ҳосилдан бўшаган майдонларни ҳайдашга киришган эди. Бу ташаббусни хұжаликдаги энг ёш бригада бошлиғи Эрдон Қўзимуродов бошлаб берганди.

Эрдоннинг таржимаи ҳоли жуда қисқа: ўнинчи синфни тугатган. Ҳарбий хизматни ўтаган. Кейин Тошкент қишлоқ хұжалик институтига ўқишига кирди. 1970 йилда агрономлик дипломини олиб, областга қайтди. Шеробод даштида ташкил этилган «Советобод» совхозида бўлим агрономи бўлиб ишлади. 1971 йилда она қишлоғига келди. Маккажұхоричилик бригадасини бошқарди. 1972 йили ўзи талаб қилиб, хұжаликдаги энг қолоқ бригадага ўтди. Уша йилинёқ бригадада ўзгариш ясалди. Ҳосилдорлик 5 центнерга ошди.

— Бу ютуқлар сири нимада? — сўраймиз раисдан.

— Кесак орасида ишлашда! — деди раис. Бу жавоб бизга галатироқ туулади. У буни сезгач, фикрини кенгроқ тушунтироқчи бўлади. Одатдагидек салмоқ билан сўзлай бошлайди. — Биласизми, ер, бу, бизга қилинган бебаҳо инъом. Табиат тортиғи бу. Бу инъомдан ҳар ким ҳар хил фойдаланади. Бир мисол. 7-бригадамиз олдинги йили гектаридан 29 центнердан ҳосил олганди, 1973 йилда эса 52 центнердан пахта йиғиб олиди. Хўш, бу ютуқнинг сири қаерда? Мен сизга айтсам, кесак орасида ишлашда! Хоҳлассангиз, яна далил келтиришим мумкин. Масалан...

Универсал пайкал бошига чиқиб келди. Раис унга яқинроқ борди-да, тўхтатинг, деб ишора қилди. Универсалчи рулдан тушиб раис сари юрди.

— Ҳорманг, Қарши ака, — деди раис универсалчи билан салом-алик қиласкан. — Қачон тамомламоқчилизлар?

— Билмадим... Икки-уч кунга борса керагов..., — чала-ярим гапирди Қарши Назаров. Кейин бир оз тор-

тиниброк деди.— Раис, қирқ йилдан бери тракторчиман. Рости, манави құлларим темир-терсак ушлайвериб, пүлатдай чиниқсан. Үзим ҳам трактор ёғини ялаб катта бўлганман. Кечакундуз ишла десангиз ҳам ишлайвераман. Лекин ишни тезлаштиришнинг бир йўли бор эдида. Хўп десангиз, айтардим.

— Айтинг-чи,— қизиқсиindi Норқобилов.

— Қаранг, мен ғўзапоя карчовка қиласман. Анави икки трактор ер ҳайдаси керак. Икки тракторга ер очиб улгуришимга кўзим етмайди. Бу — бир. Иккинчи, учковимизга бир чойхоначи овора. Бирор нон пишириб бериши керак. Яна бир киши овқат тайёрлади. Ҳуллас, колхоз уч тракторчига шароит яратаман деб, бошқа уч кишига ҳам ҳақ тўлайди. Хўп, хизмат қилгач, майли, ҳақини ҳам олсин. Лекин қилинган иш тўланган ҳаққа яраша бўлмай қолади-да!

— Хўш, нима қилиш керак? Ҳар йилги тартибимизда,— деди раис.

— Рост, ўтган йилги, ундан аввалги йиллардаги тартибимиз бу. Ҳатто уруш йиллари ҳам шу тартиб бор эди. Қаранг, раис, биз ҳар йили чигит экишини атиги ўн кун ичида тугаллаймиз. Лекин шудгорни-чи? Ноябрда бошлаб, январгacha чўзамиз. Сабаб? Тракторлар, ишчи кучи бригадама-бригада тарқатиб юборилаётir. Тракторни бригада ихтиёрига топширгач, у ўзи хоҳлаган пайтда ишлатади. Шудгор сифати, трактор иши устида деярли назорат бўлмайди. Бирон техника бузилиб қолгудай бўлса, ойлаб жойида тураверади. Бундай тарқоқ ҳолда техник хизмат кўрсатиш ҳам қийин. Тошкент, Сирдарё областларида шундай хатоларни тузатиш ўйларини ўйлаб топишибди. Бу гапни Гулмирза Ниёзов топиб келди.

— Қайси Гулмирза?

— Үзимизнинг қўшнимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Гулмирза-чи. Сирдарёдаги қўриқ ер хўжаликларида ҳайдов техникаси участкаларга бўлиб берилган

эмис. Бизда ҳам уч участка бор, ҳар бирига 6—7 тадан трактор, шунчадан универсал берилса бўлмайдими? 6—7 трактор бир бригада ерини бир кунда бемалол шудгор қилиб чиқади. Бутун иш марказлашади. Раҳбарларга ҳам, тракторчиларга ҳам осон.

— Яхши, яхши... Қаранг-а, шу ҳақда ҳеч биримиз бош қотирмаган эканмиз-а! Раҳмат сизга, Қарши ака, раҳмат,— раис кекса тракторчининг елкасига қоқди, унинг таклифини кечқуреноқ правлениега маълум қи-лажагини айтди. Қарши Назаров раиснинг бу сўзларидан қаноатланиб, универсал рулига чиқди-да, газни босди. Карчовка личнолари ғўзапояни бир текис юлиб кета бошлади. Раис ва унга қўшилиб биз ҳам тобора ичкарилаб кетаётган универсал изидан қараб қолдик.

— Ер кучини мана ўундай тиниб-тинчимас дехқонларимиз тажрибаси, орзу-истаги, ўй-интилиши оширяпти-да,— деди у яйраб. Кейин чала-ярим қолган ҳикоясини давом этказди.— Дарвоҳе, хаёлдан кўтарилаёзибди... Очил Мелиев билан Алимардон Қобилов бригадаларини олайлик. Иккови ҳам бир хил шароитга эга. Ери, суви бир. Ишчи кучи, техникиаси ҳам баравар. Лекин натижа ҳар хил. Нега? Асосий сабаб — шудгорлашда, кесак орасида ишлашда! Очил икки йил қаторасига хатога йўл қўйди. Ҳар йили правление қистови билан пахта майдонларининг атиги ярмини кузда шудгор қилди, қолган ерларни эрта баҳорда ҳайдаб, уруг ташлайман, деди. Аксига олиб, баҳор серёмгир келди. Етмишинчи йилда ҳам, етмиш биринчи йилда ҳам март апрель ойларида ёмғир кўп бўлди. Кейин кунлар бирданнига исиб кетди. Айрим илфор бригадаларимиз экишини тугаллай деб қолганда Очил ерни шудгор қилишга тушди. У жуда шошилиб қолди. Қеча-кундуз далада бўлди. Ахир, вақт кетаётганди-да! Шошди... Суръатга зўр берди. Оқибати нима бўлди денг? Плуглар изида йирик-йирик кесаклар пайдо бўлди, уларнинг баъзилари қу-чоққа ҳам сифмасди.

эмасман,— деди Қобилов.— Лекин ўша олимлар ҳам ҳамма жойда, масалан, Шўрчидаги ҳам, ҳов, Шеробод-у, Термизда ҳам, худди биз айтгандек шудгор қилинсин, дейишмас. Ўлар умумий йўналишда маслаҳат беришган. Деҳқон уни ўз шаронтига қараб қабул қилиши керак. Кейин, рости, ҳар йили бир хил қолипдаги гапни айтишади. Ҳа, бурноғи йили бир фикрни айтишди. Узингиз биласиз. Ғўзани юлиш пайтида далага минерал ўғит, гўнг аралашмаси бериш ишини биз анча олдин синаб кўргандик. Шунинг учунми, у ҳам биз учун янгилик бўлмади. Ҳўш, нима янги гап айтишибди?

— Мен ўйлаб қолдим,— деди Нормурод Норқобилов.— Ҳа... илмий лабораториялар, тажриба участкаларида синовлар чўзиб юборилади. У токи бизга етиб келгунча оламжаҳон вақт ўтади. Лекин, мен сизга айтсан, деҳқон кутиб турмас экан. Баъзан ўйлаб қўяман-да... Олимларимизга ўн ёки йигирма гектар майдон илмий тажрибалар учун етарлимикан? Нега энди, айтайлик, бутун республика пахтазорлари улар учун илмий лаборатория бўлиб хизмат қилмас экан? У областдан бир совхоз, бу областдан бир колхоз... Қам-да. Бу тор лабораториядаги иатижаларга асосланиб кенг хулоса чиқариш... Ким билсин? Ҳар ҳолда кишини ўйлантириб қўядиган жумбоқ.

Алимардон Қобилов машинанинг кейинги ўриндиғида турган газетани олиб, «Қузги шудгор қилинг» сарлавҳали маслаҳатни жим ўқиб чиқди. Сўнг газетани буқлаб, қўйин чўнтағига солиб қўйди,— дейди раис.

— Яхши маслаҳат,— деди у ниҳоят.— Нимаси яхши, биласизми, раис? Менга «Шудгор — деҳқончиликнинг боши. Эрта шудгор қилган деҳқон ютади», деган сўзлари ёқди. Тўғри маслаҳат. Шудгор — деҳқончиликнинг бисмиллоси. Биз ерни апрелдан бўён ишлатяпмиз. Тинимиз из ишлатдик. Мана, энди дам беришимиз керак. Одам қалин кийим-бош билан ҳордиқ чиқаролмагани сингари ер ҳам сирт ағдармаса, эркин нафас ололмайди, семир-

майди. Биз унинг уст-бошини ечиб, қиши уйқусига ётқи-
зишимиз керак. Кучга тўлсин, етилсин. Бўлмаса, баҳор-
да ер эмас, кесак кўрамиз.

Ушанда Алимардон Қобилов жуда топиб айтганди.
У шу гапига амал қилиб, айтганини қаттиқ ушлаб кел-
япти. Шу сабабли ҳам Очил Мелиев бригадасидан ҳо-
силдорликда устун. Гектар бошига 9—10 центіердан
фарқ бор.

Ана, кўрдингизми, кузги шудгорнинг, кесак орасида
ишлашнинг хосиятини! Қўплар тушунишмайди. Бундай-
лар районда, областда қанча? Эҳ-ҳа... Сиз катта ас-
фальт бўйлаб, бу ёғи Тожикистон, у ёғи Туркманистон
чегарасигача боринг. Январда, февралнинг бошларида
юриб, атрофни кузатинг. Минглаб гектар майдон ҳай-
далмаган бўлади. Баъзи майдонларнинг ҳатто гўзапоя-
си ҳам юлинимайди. Бу кимга зарар? Деҳқонга-да. Кол-
хоз раиси ёки совхоз директори, хуллас, раҳбарнинг
боқибекамлиги билан келгуси ҳосил имкониятлари бой
берилади. Биргина шу, шудгорни вақтида ўтказмаган-
лигимиз оқибатида, тониалаб пахтани ердан ололмай-
миз. Техника бўлса, маблағ етарли, Механизатор бор...
Шу имкониятлар баъзи ҳамкасларимни чалғит-
япти.

Раиснинг сўзларини тинглаб, беихтиёр бир манзара-
ни эслаб қолдим.

Шеробод районида баҳор экиш мавсумига ҳозир-
ликнинг аҳволи ўрганилаётганди. Областдан борган ва-
кил дуппа-дуруст обрўга эга, номи кўпчиликка таниш
бўлган совхоз директоридан сўради:

- Неча гектар ерингиз шудгор қилинмаган?
- Жуда оз...
- Хўш, қанча?
- Уч-тўрт бригада. Юқори зонадан. Қор-ёмғир ёғиб,
ҳайдашга улгурмадик.
- Гектарини сўраяпман?
- Гектарими... Бирон беш юз...

дефолиация қилинганилиги ҳақида маълумот беришни райондан ҳар куни талаб қилишаверади. Гектарни ҳаводан олиб бўлмайди, дефолиация деганлари ҳамманинг кўзига яққол ташланадиган нарса. Шунинг учун бу агротехник тадбирни ўтказмасдан бўлмайди. Айрим хўжалик раҳбарлари юқоридан талаб ва назорат кучаявергач, бригада бошлиқларини йиғиб, маслаҳатлашадилар. Шу йиғилишда раис бригадирларга топширади: «Сиз фалон картани, сиз эса фалон гектарлик майдонни машина терими учун ажратасиз!» Бу пайтда механизаторлар техника устахонасидан чиқмайдилар. Яқин кунларда берилажак командага кечакундуз тайёргарлик кўрадилар. Команда ҳам берилади. Бироқ, кўп ўтмай механик-ҳайдовчилар қийинчиликларга дуч кела бошлайди. Нега десангиз, майдонлар машина теримига мослаштирилмаганлиги устига машинанинг ўзи ҳам ингичка толали пахтани териш учун у қадар қулай эмас. Бу нав пахтанинг кўсаклари оқ пахтаникига қараганда анча кичик бўлиши билан бирга момиқлари ёзга чаноғига жуда тифиз жойлашган. Шунинг учунми, ҳатто «Ўзбекистон» маркали кенг қаторли машина ҳам ундаги пахтани бир текис сўриб ололмайди. Бир қисм пахта чаноқларда чайналиб, осилиб қолаверади. Эгатга подбор кўп тушади. Шу сабаблими, ипак пахтани машиналар ёрдамида териш кенг тус олиб кетмаётир. Бу эса механизаторларнинг орзу-ҳаваси, ният ва режаларини пучга чиқариб қўймоқда. Жданов номли колхоз раиси марҳум Абулфайз Тўраев катта-катта давраларда ярим ҳазил, ярим чин қилиб: «Қулинг ўргилсин» «Ўзбекистон»ни ўйлаб чиқарган инженерларга бир энлик хат ёзмоқчиман. Нега улар биз ҳақимизда ўйлашмаётир? Ахир, областнимиздаги пахтанинг қарийб ярми ингичка толали-ку. Бу нав кейинги йилларда республиканинг бошқа областларида — ҳатто Фарғона, Андижон, Наманган далаларида ҳам етиштирила бошланди. Ҳа, ипак пахта терадиган машиналар ихтиро қилса ар-

зийди», деб юрарди. Балки бундай хат ёзиш ниятида юрганлар кўпdir, ҳар ҳолда бу деҳқон орзуси, истаги эди. Ихтирочиларимиз, олимларимиз уларнинг истакларини рўёбга чиқариш ҳақида ўйлаб кўраётирлар. Аммо бу хайрли иш тезлашса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Бош инженер ниманидир эслагандек бир зум жим қолди. Сўнг қошлиарини учирив олди-да, яна сўзида давом этди:

— Бундан бир неча йил олдин турсунойчи қизларимиз кўп эди. Ҳар хўжаликдан уч-тўрт нафар топиларди. Қарийб, ўн йил улар тақдири билан ҳеч ким қизиқмади. Қизлар ҳар ёққа тарқаб кетишиди. Кўплари касбии ўзгартирди. Орадан кўп йиллар ўтгач, мана энди, яна механизаторлар рўйхатида хотин-қизларимиз исм-фамилиясини учратиш мумкин. Ўнинчини тамомлаган бир забардаст йигитни ўтган қишида «Сени механизаторлар тайёрлаш курсига юборайлик», дедим. У «хўп, бораман. Аммо кейин қаерда ишлайман. Шу колхоздами?»— деди. Мен: «Колхоз юборгач, колхозга қайтасанда, укавой», дедим. У эса, ўйламай-нетмай: «Ундей бўлса, инженер ака, сиз айтган курсга бормайман. Гагарин райони марказида курс очишибди. Ана ўшанг бораман», деди. «Нега, барибир эмасми, сенга?»— дедим. У бўлса, лабини чўччайтириб, қовоини уйди: «Хўш, бу ерда ишлаб нима обрў оламан. Чўлда бир йил куч тўкиб ишласанг, довруфинг достон бўлади. Бизларнинг ҳам ақлимиз етади, акажон. Мехнатингга яраша мақтов ҳам бўлиши керак-да. Мақтов куч беради, тезроқ юришга ундайди, ўқитувчи ёзма ишни баҳолаган сингарип у ҳам меҳнатга бериладиган баҳо-да». Шундан кейин миямга бир фикр пақ этиб урилди. Ҳамма гап тонналарда! Тонналар ҳамма нарсани ҳал қилиб юборяпти. Ахир, қаҳрмонни ҳам, Ленин орденлини ҳам, Олий Совет депутатини ҳам ўша 500—600 тонна тераётган механизаторлар ўртасидан топиш мумкин. Марҳамат, бизнинг далаларда бўлиб, бизнинг «зангори» кема ка-

питанларимиз билан бир сафда турнб ишласинлар қани! Ахир, Шоймардон Құдратов ҳам, Отамурод Худойназаров, Жиянқул Рустамов ҳам ипак пахтани машинада териб күрганлар. Айтишсін улар, ипак пахтадан бир мавсумда 250 тоннадан ошириб териш мүмкінми? Ҳа, ишонаман, йўқ, дейишади.

— Хўш, мана, сиз айтинг, ҳолис одамсиз,— деди бош инженер менга.— Тонналар мақтөв учун ўлчов бўла оладими?— яна ўзи давом этди.— Эҳтимол бу ўлчовдир. Лекин, ҳалол, зарбдор меҳнатни улуғлагандা, энг аввало, пахта нави, сўнг тонна ҳисобга олинса. Бу— бир. Иккинчиси, яратилган шароит, машинанинг эскиянгилиги, унинг ишлаш қувватига ҳам қаралса. Шундай қилмаса, четдан қарагандা, бизнинг механизаторларимиз машинани бошқаришни эплолмаётгандай бўлиб қолишияпти. Анчадан бери миямда ғувуллаб айланиб, тинчлик бермай юрган бу сўзларни кимгадир айтаман деб юргандим. Мана, мулла ака, сизга ёрилдим...

Тошмаҳамат Эрдоновнинг шу сўзларини бир гал Жиянқул Рустамовга айтдим. «Ипак пахта усталарининг арз-доди бу!»— дедим унга.

— Менга қолса, тўғри гап,— деди Жиянқул Рустамов.— Бизнинг тонналаримиз ипак пахта усталари меҳнатини тоғдек тўсиб турибди. Орадан шу тоғни олиб ташлаш керакка ўхшайди. Шундай қилмаса, ипак пахтага меҳр камайиб кетиши аниқ. Ҳозир ҳам, қўйиб беришса, ҳамма оқ пахта экарди. Раҳбарларнинг қистови билан совхозимизда 50—60 гектар ерда ипак пахта етиширилди. Бинойидек ҳосил олинди. Пахтаси машинада терилди. Икки механизатор 80 тоннадан пахта йиғди. Лекин, афсуски, ҳеч ким уларнинг елкасига қоқиб, миннатдорчилик билдирамади. Шу механизаторлар, энди отам келиб, бўтам, деса ҳам ипак пахта пайкалини ораламаймиз, дейишяпти. Нега дейсизми? Эътибор бўлмади. Чунки тоннаси оз-да. Мен 500 тонна тердим. Улар эса 80 тоннадан. Хўш, ўзингиз айтинг, сиздан

қайси бирини мақтаб ёзасиз, деб сўрагудек бўлишса, нима дердингиз? Албатта, Жиянқулни мақтайман, дердигиз, шундайми? Ҳа, балли. Сиз мени мақтаб, қаноатлантираверасиз, областдан келган вакиллар ҳам раҳматни менга айтишади. Радио мени мақтайди. Аммо айни пайтда мен билан ёнма-ён, анави ипак паҳта пайкалида ишлаётган йигит-қизларнинг кўнгли тобора чўкаверади. Рости, оқ паҳтани энди бирор «машинада эмас, қўлда теринг», деса ҳам деҳқон машинада териб олади. Бу бизнинг онгимизга, қонимизга сингиб кетди. Лекин ипак паҳтага қолганда... ҳали оммалашган эмас, деҳқон ипак паҳтани машинада теришга ҳали кўнижканича йўқ. Мана, нима учун ҳалиги инженер дод-вой қилган. У узоқни кўриб турибди. У ташвишланаётир. У ипак паҳта пайкаллари узра машиналар сузишини хоҳлайди: шунинг учун ҳам механизаторга меҳр керак, эътибор зарур деб аюҳаннос соляпти!

Жиянқул Рустамов офтобда ранги ўчиб қолган дўпписини қўлига олиб, кафтига бир-икки урди-да, чангдан тозалагач, яна кийиб олди. Мен совиб қолган чойдан хўплаб қўйин дафтарнинг янги саҳифасини очдим.

— Ипак паҳтани машиналаштиришда-ку оламжашон жумбоқлар кўндаланг турибди. Лекин, умуман машина теримини ташкил қилишда ҳали қанчадан-қанча камчиликларимиз бор,— дедим унинг сал ўйлаб олишига имкон берган бўлиб ва шерободлик ҳамкаслари миздан бири билан бўлган сухбатни ҳикоя қила бошлидим.

...Қосим Раҳимов номли совхозда 1974 йилда йигимтерим шов-шуви жуда эрта бошланди. Август ойидан колхоз раислари, совхоз директорлари бу хўжаликка таклиф қилинди. Улар иштироқида дефолиацияни қандай ўтказиш ҳақида семинар бўлди. Совхозда дефолиацияга киришилди. Республикада биринчи бўлиб машина теримига тушибди. Бригадалар, бўлимлар давлат планларини бажара бошладилар. Аммо, сал ўтмай, совхозда

суръат пасая бошлади. Уидан анча кейин ғұза баргини тұқтирганлар эса ўзіб кетаверди. Құплар тушунмай қолишиди. Совхозга нима бўлди, нега суръат пасайиб қолди? Қаранг-а, теримни биринчи бошлаб, ҳамманни лол қолдирган совхоз планни ноябрга бориб аранг удалади.

Хўжаликда йигим-теримнинг бу қадар чўзилиб кетишини ҳар ким ўзича баҳолади. Бирорлар совхозда ғұза барги эрта тұқтирилди, шунинг натижасида бир қисм қўсаклар ривожлана олмади, қуёш нурини эса олмай қолди, дейишади. Бошқалар эса ишчи кучи бўлиб юборилди, машиналар иши тўғри ташкил қилинмади, дейишади.

Жиянқул Рустамов чиройи очилиб, гапира кетди:

— Дўппини ерга қўйиб, ўйлаб қаралса, ҳар икки фикр ҳам тўғрига ўхшайди. Нега дессангиз, қўплар биринчи деган сўзни жуда ёқтиришади. Оқибатда, шу, биринчилик уни чалиб йиқитади. Биринчи бўлишнинг ҳам вақти-соати бор-да. Кучни тарқатиб юборишга келсак... Бизда бир яхши тартиб бор. Терим олдидан техника кўриги ўтказилади. Бу — катта имтиҳон. Бутун куз-у қишида қилинган ишга баҳо берилади, механизатор меҳнати ўлчанади. Шундан кейин токи йигим-терим ишлари бошлагунга қадар жим юрамиз. Кўнглимиз тўқ-да, техника тахт. Бир кун команда берилади. Биз, «зангори кема» капитанлари моторларни гуруллатиб ишлатиб, дала сари йўл оламиз. Теримнинг дастлабки соатлари ўтаётир. Бункер тўлди, тележка пахта пунктига жўнаб кетди. Бункер ҳадемай яна тўлади. Тележка қани? Тележка йўқ. Механизатор кутиб туришга мажбур. Хўп, пахта тележкага ағдарилди ҳам дейлик. Аммо машина ярим соат тўхтаб қолди-ку. Шу камчиликка барҳам бериши мумкини? «Албатта-да», дейди ҳар ким ҳам. Хўш, қандай қилса механизатор тележка кутмайди? Машиналар группа усулида ишлаши керак. Кўпдан бери шу гап бор. Лекин тонналар изидан қувиши

шу тартибга путур етказяпти. Тўрт-беш машина бир картада ишласа, механизатор кунига 15—20 тоннадан теролмаслиги аниқ. Сиз бир теримчини чаман очилган картага ўтказиб қўйинг, бошқаларга ҳам шуидай пайкал беринг. Қайси бири кўп теради? Албатта, якка тергани-да, шундайми? Мана шундай якка теришлар кўпайиб кетяпти! Бу машиналарга техник хизмат кўрсатишни қийинлаштираётир. Терим ҳаражатини ошириб юбормоқда. Мана, қаранг, биз тонналар изидан қувмасак, шундай қилишимиз мумкин: хўжаликдаги жами терим машиналарини уч ёки тўрт группага бўлсак. Иш сменали ташкил қилинса, худди заводдаги сингари. Машина «меники, сеники» қилинмаса. Сменанг тугадими, марҳамат қилиб, дамингни ол. Навбат соати етгач, яна рулга ўтиришинг керак. Ана унда тартиб бўларди! Ҳеч ким тонна изидан қувмасди. Ҳамма бир ният, бир мақсад — ҳосилни ерга тўкмай-сочмай йигиб давлатга топшириши ўй-нияти билан меҳнат қиласди. Шунда машиналаримиз икки-уч кун бузилиб ҳам қолмасди. Ҳозир қандай? Машинанг бузилдими, то созламагунингча пахта термайсан. Техник хизмат кўрсатиш марказлашса, ҳалигидай «меники, сеники» бўлмаса-чи? Машина бузилдими, узоқ муддат ремонтга туриши керакми, механизатор бошқа машинада ишлайвериши мумкин. Машинани созлаш эса ремонтчиларнинг иши. Мана бу — бир масала.

— Яна бир гап,— сўзида давом этди Жиянқул,— Шпинделларни ювиш, рости, жонга тегади. Айниқса биринчи терим пайтида. Ҳар эгатнинг бошига чиқиб қайтгач, шпиндель ювишинг керак. Уни ювиб, тозалаб ҳайдайвериш имкони бўлса-ку майли эди-я! Беш-ўн минут роса айлантириб, обдон қуритишинг ҳам керак. Бўлмаса, пахта толасини чайнаб ташлайди. Ҳар куни қарийиб уч-тўрт соат вақтингиз шпиндель ювишга кетади. Шунча вақтда қанча пахта териш мумкин? Агар биринчи терим бўлса-ку, bemalol, уч-тўрт юз кило терасиз. Иккинчи

терим бўлса шунинг ярмича. Биз баъзан ҳамкаслар тўпланиб қолганимизда: «Ўзбекистон» машинаси ҳар томонлама мукаммал-ку, бир аммоси бор. Шу, бункерга пахтани тифизлайдиган ва шпинделни тозалайдиган мосламаси йўқ-да», деб қўямиз. Эҳтимол, олимлар бу муаммони ҳал қилишар. Лекин бунга қадар ўзимиз ҳам машиналарни бетўхтов ишлашиш йўлини топишимиш керак-да, нима дейсиз? Бу йўл аслида-ку топилган-а! Биз бир гал тажриба қилиб ҳам кўрдик. Далага тўртта машина олиб келинди. Уларда тўрт механик-ҳайдовчи бир смена ишлади. Қандай қилиб? Биз қайси машина шпиндели ювиладиган бўлса, карта четида қолдириб, шпиндели тозаланган машинага ўтиридик. Шундай қилиб, навбатма-навбат машина шпиндели тозаланиб ишлатилаверди. Тўрт машинага бир киши хизмат қилиб улгурди. Шунга қадар эса бу машиналарнинг ҳар бирiga бир киши хизмат қиласарди. Биз уларни ёрдамчи механик-ҳайдовчи деймиз.

Тонналар.. Улар кўпаяверсин. Аммо техника самародорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини яхшилаш йўлида хизмат қиласадиган янгиликлар ҳам ишлаб чиқаришга дадил жорий этилаверса. Бу бизнинг, ҳам мамизнинг истагимиз.

ЧУПОН ТАЁФИ

Чўпон нимани истайди?

- Хўш, Миханл, чўпон бўласанми?
- Бола орқага тисарилади.
- Мен учувчи бўламан...
- Ана, кўрдингми! Ҳали она сути оғзидан кетмаган бўлса ҳам, қаймоқ қайси томонда-ю, сут қайси томондагини дарров пайқаб олибди, зумраша!

Олесь Гончарнинг «Ҳаёт навоси» асари қаҳрамони

кекса қўйчивон Горпишченкони бу муаммони тез-тез ўйлаб кўришга мажбур қиласди. Бир гал у ҳамкасби Корней билан шу мавзуда сұхбатлашиб қолди. Улар албатта Михайл тарафнда эдилар. Чунки Михайл ойга учишни орзу қиласди. Аммо баъзан жанубий Украина чўлларини қадамлаб кезиб чиқсан бу отахон чорвадорлар ўз касблари, ўз баҳтлари фазога парвоз қилаётгандар бахтидан, борингки, касбидан кам эмаслигини Михайлга ўхшаган «зумраша»ларнинг қулоғига қўйиб қўйиши ҳам истаб қолардилар.

«Чўпон таёфи ерда қолмасмикан?» Бу савол уларнинг ташвишига ташвиш қўшарди, холос.

Шу ҳақда донгдор чўпон Раҳмон Бобохоновга ҳикоя қилиб бергандим, у чертса қон томгудек қип-қизил юзини силаб, қоп-қора соқолини бармоқлари билан тараганча, маъноли жилмайиб қўйди. Кейин у ёрдамчи чўпонга: «Сурувни қир ортига ўтказавер, мен ҳам етиб бораман», деди ва босиқ оҳангда сўз бошлади:

— Худо ҳаққи, яхши гап. Йигирма олти йилдан бери чўпон таёфи қўлимда. Тунда бошимда бўлса, кундузи елкамда. Ажралгим йўқ. Лекин шу денг, бир-икки йил бўлиб қолди, ҳалиги, сиз айтган чўпонлар сингари, таёғим тақдирини ўйлаб-ўйлаб қўяман. Ўйлашга мажбур қилаётган сабаблар ҳам бор, албатта.

Шулардан бири ўтган баҳорда бўлганди. Ўшанда Нурқул ақангникига меҳмон бўлиб боргандим. Гагаринлик Йўлдошев-да. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Танийисиз у кишини. Шу денг, икковимиз ҳар йили беллашиб қўямиз. Енгиш йўқ. Гирма-гир боряпмиз. Ўшанда анча яйраб ўтирган экан. Бу хурсандчиликнинг боисини суриштирдим. Нурқул aka кўзларимга синовчан боқди-да: «200 дан бўлди»,— деди. Мен кулдим. «Бизники ҳам»—дедим. Қайта қучоқлашдик. Нурқул aka елкамга қоқди: «Кам бўлма, чўпон ули!»

Шундан кейин гап қўзиларни сурувдан ажратиб бо-

қишиң ҳақида кетди. Нурқул ака жиддийлашғандек бўлди. Чинни пиёладаги чойдан босиб бир хўплади-да; «Одам йўқ! Бошлиқларга учрашсам, тўрт-беш кун болаларингиз қараб туришсин. Бирон кишининг кўнглига қўл солиб кўрармиз, дейиши. Шундай, укам, Раҳмонбой. Ҳар йили сурувдан сурув чиқаряпмиз-у, ўзимизга ўзимиз ташвиш ортираяпмизми, дейман. Ёшларни кўряпсиз, ўнни тугатмаёқ, қайсиdir шаҳарга бориши ниятида ҳужжат ҳозирлашга тушишади. Ота-оналаридан сўрамайдилар ҳам. Ахир, улар ўқишга борамиз дейишиса, ким ҳам тўсиқ бўлиб турарди. Улар бўлса, буни яхши билишади. Шунинг учун маслаҳат ҳам солиб туришмайди»,— деди.

Нурқул аканинг сўзларини чамалаб, ўйлаб кўрдим. Кекса чўпон жуда тагдан олиб, узоқни кўзлаб айтганингига уйга боргач, янада қаноат ҳосил қилдим. Кечқурун болалар мактабдан қайтгач, пайт пойлаб, тўифи-чимиз Муҳаммадий кўнглига қўл солиб кўрдим: «Уғлим, Алиёрни чўпон бўпти дейишадими? Эшматининг ўғли Алиёрни-да. Омонга ёрдамчи эмиш»,— дедим. Бу гапим Муҳаммадийни заррача ҳам ўйлантирмади. Аксинча: «Бўлса бўлаверсин-да. Унинг ўрнига мен бўлганимда бошқача йўл тутардим», деди. Ўқитувчилардан суриштириб билсан, инженер бўламан деярмиш. Ичичимдан қувониб қўйдим. Ахир, фарзандинг инженер бўлса ёмонми?

Ўзимча шундай қувониб қўяманку-я, аммо ота мерос таёғини тўққиз фарзандимнинг қайси бири оларкин, деб ҳам ўйлайман. Ҳеч биридан, ҳатто қўзилар ўртасида соатлаб юриб, уларни эркалайдиган Ҳолбайдан ҳам, кенжатойимиз Алимардондан ҳам чўпон чиқадиганга ўхшамайди.

Отадан етти ёшимда қолгандим. Отамга чўпонлик таёғини бобом мерос қолдирган эканлар. Бу таёқ отамдан менга қолган. Қўлимдаги таёғни ардоқлайман, силлиқ сиртидан ўпаман. Чўпон бўлганим учун сира ўксин-

ган эмасман. Нега десангиз, шу чўпонлигим туфайли ҳам элга танилдим. Партия-ҳукуматимиз пешонамизни силаётирлар. Кўкрагимда иккита Ленин ордени, «Хурмат белгиси» ордени, Виставка медаллари, яна аллақанча мукофотлар... Остимда от ўриига «Москвич» машинаси, уйимда телевизор, холодильник... Бир кишини қадрлаш бўлса шунча бўлади-да. Ёшларни тушунмайсан, киши. Таёқ узатсанг, қўлига муз тутгандай сесканиб тушкшади. Шундай ҳолларни кўриб, тўғриси, кўнглинг ранжийди, киши.

Мана, ҳалиги Алиёр деганимиз. Акаси Омон Қултөев анча вақт чўлиқсиз юрди. Ёрдамчисиз сурувни боқишидан мashaққатли иш йўқ. Яйраб ўтириш у ёқда турсин, ҳатто дурустроқ нонушта қилишга ҳам вақти бўлмайди чўпоннинг. Омон бир амаллаб укасини чўлиқ бўлишга кўндирганди. Сал бирга юрди. Буни қарангки, бир кун акасига ҳам айтмай, сурувни ташлаб кетиб қопти. Орадан беш-олти кун ўтгац, суриштириб билишса, «Хазорбоғ»даги механизация мактабига ўқишга кирибди. Икки ой бўлди, ўша ёқда. «Механизатор бўламан, Шоймардон акадай, Абдусаттордай паҳта терини машинаси ҳайдайман», депти. Омон нима ҳам дерди. «Майли, билганингдан қолма, укавой»,— деб қайтавериди.

Еки яна бир мисол. Совхоз марказидаги каттакон магазиннинг мудири Йисмоил Тошбоевни олинг. Шу йигит ҳам ҳарбий хизматга кетгунига қадар чўпон эди. Дулпа-дуруст чўпон эди. Бир-икки марта мукофот ҳам олганди. Армиядан қайтди-ю, чўпонликни «пуп сассиқ», деди. Бундай мисоллар кўп. Баъзан «Нега қўплар чўпонликдан бундай безияпти? Чўпонлик шунча оғир ишми?» деб ҳам қўяман. Бу саволларга жавоб топиш учун бош қотираман. Хўш, нима сабаб?

Раҳмон аканинг бу саволи мени бундан 10—15 йил олдинги бир воқеани эслашга мажбур қилди. Ушанда отам Термиз районидаги «Қизил юлдуз» колхози ферма-

сига мудирлик қиласы. Ферма колективи эрта баҳорда екіншінде өткізу үшін Бешкүйтон даштларига чиқып кетарди. Шу кеттанча улар декабрь ойининг бошлирида, яғни пахта, ғалла ва бошқа экинлар йигиб олингач, қишлоққа қайтардилар. Биз, чорвадорларнинг болалари эса бирон оғайнимизниң қолишидан бўлак иложимиз йўқ эди. Чунки яйловда мактаб ҳам, ўқитувчи ҳам бўлмасди.

Орадан кўп йиллар ўтгач, шу колхозда каттагина бир даврада чўпонлар шароити ҳақида гап очилиб қолди. Бунга бир чўпоннинг қишлоқда қолган болаларини кўриш учун келганлиги сабаб бўлганди. Шунда ҳалиги чўпон ўтирганларга алам билан: «Сизларга мазза, уйингиз шу ерда, бола-чақангиз шу ерда. Бизга ўхшаб қаландар-у, бедаво эмассизлар»,— деди. Колхоз активларидан бири унга: «Бир эмас, икки машинани чорвага деб ажратиб қўйибмиз. Келиб-келиб кетаверингларда»,— деди. Чўпон унинг бу сўзларини эшитмагандек, чойдан босиб-босиб ҳўплади-да, пиёлани дастурхон устига дўқ этказиб қўйди ва «қўйсангиз-чи бундай гапларни!» дегандек секин қўл силтади.

Дўппини ерга қўйиб дурустроқ ўйлаб кўрилса, ўша чўпон ҳақ бўлиб чиқишига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Ростдан ҳам, колхоз ва совхозларимизнинг ўн минглаб қўй-қўзилари қишлоқдан 100—150 километр узоқда бўқилади. Масалан, Термиз ёки Жарқўргон районлари хўжаликларини олинг. Уларнинг чорваси Ҳатиробод, Қизириқ даштлари, Бойсунтоғ, Қўҳитанг тоғлари, ҳатто Ҳомкон, Оқтош адирлари, Қашқадарёнинг Деҳқонобод районидаги кенг Яйловларга қадар етиб борган.

Ёки бошқа мисол. Шўрчи районидаги «Ўзбекистон» совхозида 45 сурув бор. 150 та чўпон ишләяпти. Ҳар йили совхоз чорвасига уч-тўрт отар қўй қўшиляпти. Масалан, 1974 йилда сурувлар сони тўрттага кўпайди. Рости, чўпон топиш анча машаққат бўлди. Буни совхоз директориFaafur Ҳафизов ҳам тан олади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу совхозда чўпонлар учун ғамхўрлик манман деган хўжаликдагидан ортиқ бўлса ортиқдир, аммо кам эмас. Чорва қишлоғ жойида чўпон-чўликлар учун замонавий уй қурилган. Бир эмас, бир неча. Мусобақа ғолиблари ўз вақтида рағбатлантириб бориляпти. Чўпон, бир вақтлар бўлгани сингари қор-қировли кунларда молларни қандай боқишини ўйлаб ҳам турмайди. Ем-хашак етарли. «Шундай бўлса-да, чўпон бўламан деб, ўртага отилиб чиқадиганлар кам,— дейди директор.— Иссиқ жойдан чиқишини исташмайди шекилли. Ахир, ҳамма сурувимиз баҳор ва қишида Ийириқ тоғи этакларида бўлса, куз ва ёзда Олачопон қирларида боқилади-да! Бундай ҳолда чўпон нима иш қилиши керак? Оила аъзоларини қишлоқда қолдириб, ўзи сурув изидан кетиши керак, холос. Чўпон яйловда қанчалик яхши шароит яратилмасин, айтайлик, улар учун транспорт ажратиш, кўчма кино хизмати кўрсатиш ва бошқа кундалик турмуш учун зарур бўлган майший нарсаларни муҳайё қилишга ҳаракат қилинмасин, барibir, унинг хаёли қишлоғида бўлади. Ҳар лаҳзада у ўз қишлоғини, фарзандларини қўмсанб туради. Бу эса эртами-индинми чўпонлик таёғини мудир олдига қўйишига мажбур қиласди.

Хўш, қандай қиласа, чўпон оиласи билан қишин-ёзин бирга бўлиши мумкин? Бу масалани ҳал қилиш бугунғи кунда жиддий ўйлантириб қўядиган муаммо эмас, албатта. Қарийб 60—70 процент хўжаликлар чорва қишлоғи жойларида, яйловларда чўпонлар учун уй-жой бинолари қуришган. У биноларга электр чироғи ўтказиш, оиласаларни газ билан таъминлаш ҳам қийин эмас. Аммо чўпон ўз болаларини — ўқувчиларни у жойга олиб бора олмайди. Нега? Чунки яйловда мактаб йўқ, ўқитувчи йўқ. Бир зоотехник дўстим: «Бир неча хўжалик чорваси боқиладиган яйловларда комплекс синфлар очиш мумкин»,— деганди. Дарҳақиқат, тўғри фикрга ўхшайди. Ахир, ўқитувчи кадрлар етарли бўлгач, бун-

дай синфлар ташкил этилса, маорифчиларимиз чўпон-ларимиз учун ажойиб ғамхўрлик қилган бўлардилар.

Аммо бунинг учун бошқа бир масалани ҳам ҳал қилиш лозим. Матъумки, ҳар бир хўжалик чорва биносини ўзига қулай бўлган, қисқаси, хоҳлаган жойдан қурган. Бу қурилишлар учун лойиҳалаш ходимлари аралашган эмас. Улар буюртмачига бино лойиҳасини топширган холос. Жойни эса раҳбарларнинг ўзлари танлашган. Шундай қилиб, бир хўжаликнинг қурган уйлари иккинчисидан 10—12 километр узоқда жойлашган. Маорифчилар ишини қулайлаштириш учун эса чорвадорлар қишлоқчалари зарур. Бундай қишлоқчаларнинг барпо этилиши чорвачиликка механизацияни жорий этиш учун ҳам анча қулай бўларди. Энг муҳими, ҳозир ҳар бир хўжаликда мавжуд бўлган мотористлик, трактористлик, шофёрлик сингари вазифалар анча қисқариши мумкин. Ахир, айтайлик, беш хўжаликнинг чорвадорлари яшаётган қишлоққа беш шофёр ёки беш мотористнинг зарурати бўлмасди-да.

Чўпон таёфи муаммосининг бошқа бир томони ҳақида ҳам тўхталайлик. Очиқ-ошкора айтиш керакки, айрим кишилар: «Мактабда ўқишини ёки бошқа бирон ишни эплолмаганилар чўпон бўладилар», дейишади. Бу билан улар ниҳоятда юзаки мулоҳаза юритадилар. Аксинча, чўпонлик — жуда уддабуронликни, жасоратни талаб қиласидиган касбдир. Бирон-бир деҳқон чўпон сингари бутун йил бўйи югуриб-елолмайди. Чўпон учун йилнинг тўрт фасли ҳам масъулиятли палла ҳисобланади. Бироқ шундай фаҳрли ва масъулиятли касбга фақат шогирдлар тайёрлаш йўли билан кадрлар етиширилмоқда.

Бу ўринда шундай савол туғилади: турли курсларда ўқитиши йўли билан чўпон кадрлар тайёрлаш мумкин эмасмикин? Ахир, бизда тракторчи ўқииди, сувчи, сеялкачи, ғўзани озиқлантирувчи, бегона ўтларга қарши курашувчилар, қайта тайёрловдан ўтадилар, ойлик курсларда ўқинидилар. Чўпон-чи? Борди-ю, юқоридан назо-

рат кучлироқ бўлган тақдирда, қўзи платиш мавсуми арафасида чўпонга бирон чорва мутахассиси бир-икки соатлик консультация бериши мумкин, холос. Бошқа пайтда чўпон ўз тажрибасига суюниб иш тутаверади. Айрим ёш чўпонлар эса зооветеринария билимидан мутлақо хабарсиз бўлганликлари сабабли, молларни қандай парваришлаш сирларини билмайдилар, фан ютуқларидан хабарсиз бўладилар. Бундай чўпон, шубҳасиз, бир неча ҳафта ичида семиз молни ориқлатиб, ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйиши ҳам ҳеч гапмас. Бундай ёшлиар шубҳасиз, ўз касбларидан зерикадилар ва бошқа «дурустроқ» касб танлаш пайига тушиб қоладилар.

Чўпонлар тайёрлаш курсларида эса бўлажак ёш чорвадорлар чорвачилик илми бўйича, ҳеч бўлмаганда, бошланғиҷ маълумотга эга бўлардилар, областимиз, республика ва иттифоқимиз чорвачилиги ютуқлари билан танишардилар. Бу эса уларда ўз касбига нисбатан меҳр-муҳаббатни ҳам оширган бўларди. Бундай курсларда чорвачилик фермаларида ишлатиладиган техникадан фойдаланиш йўллари ўргатилса, нур устига аъло иур бўларди. Чунки хўжаликларимиз фермаларида кадрлар йўқлигидан юзлаб техника занг босиб ётибди. Ахир, эндиги чўпон, шубҳасиз, беда орқалашни ёқтирамайди. Молнинг тагини курашга ҳам хоҳиши йўқ унинг. Сув ҳам тортгиси келмайди. У бу ишларни механизация бажарсин, дейди. У шуни истайди.

ЧОРВАДОР ОРЗУСИ

Буни менга район газетаси ходими ҳикоя қилиб берганди. У илфор сут-товар фермаси ишчиларининг тажрибаларини ўрганиш ниятида эди. Мухбир ўша ўртада юрган бир чорвадорга шундай савол билан мурожаат қиласди:

— Сиз чорва индустрияси деганда нимани тушунасиз?

— Менми?.. Хүш... ҳалиги комплекс дейишади-ку, чорва биноси...,— у құллари билан ҳавода доира ясайди ва пешонасига бостириб кийиб олган телпаги остидағи юзлари қизарыб кетади.

Мухбир иккинчи чорвадорга ҳам шу саволни беради.

— Индустрями... Ишлаб чиқариш маданиятиң әнгюксак даражага күтариш, маҳсулотни күпайтириш... шу-да,— унинг пешонаси тиришади, ажинлари қалинлашади.

— Умуман, гапингиз түғрику-я, лекин оддийроқ қилиб, мана шу совхоз фермаси мисолида айтолмайсизми?— сүрайди мухбир.

— Бизнинг ферма мисолидами? Хү-ўп, сут соғиши аппарати бор. Аммо бир ишлатилди-ю, түхтатиб қўйилди. Ҳа, емишни майдалаб бераяпмиз. Сувни насос ёрдамда тортиб оламиз. Яна нимайди? Шулар холос.

— Раҳмат сизга.

Мухбир учинчи чорвадорга яқинлашади ва унга ҳам ўша олдинги саволни беради. У кўзларини қисиб кулади ва қафтини бир-бирига уради-да, кейин қулочини кенг ёйиб:

— Бу менинг орзуларим!— дейди.— Чорва индустряси ростдан ҳам менинг орзуларим. Ҳа, мулла ака, манови беда тойи устига ўтиринг, мен сизга орзуларим ҳақида сўзлаб бераман.

У ростдан ҳам сўйлай бошлайди.

— Сиз хаёлан сайр қилинг. Шу бизнинг фермамиз бир айлансан-у, мен ўйлагандай бўлиб қолсин. Йўқ, у бу ерда бўлмасин. Бу ерлар... Қаранг, шалаббо. Ҳов, анави жойда, бедазорда пайдо бўлсин. Оҳ-о, фермага келадиган йўлни қаранг. Шаҳарда ҳам йўқ бунақаси. Кенг, асфальтланган. Икки томонида чинор ва тераклар. Шу нарироқда колхоз қишлоғи. У томондан радио карнайи орқали шўх куй тараляётир. Бу куй колхоз боғидан ўтиб, ферма деворларида акс қайтаради. Дарвоқе, колхоз фермаси... Уни ҳам бир обод қишлоқ дейсиз.

Дарахтлар орасидан шиферланган, сирти оппоқ, баҳаво уйлар күзга ташланиб туради. Ферма территориясига кирасиз. Мудир ва зоотехник сизни қарши олади. Дастьлаб бир пиёла қўк чой узатади ва кейин кичик хонага кириб тугмачани босади. Ферманинг бош эшиги ўз-ўзидан очилади. Сиз, энг авало, фермадаги тозалик, саранжом-саришталиктини кўриб қойил қоласиз. Ахир, бундан олдин сизу биз хашаклар тўзиб ётган, таппилар тўда бўлиб ётган фермаларни кўравериб, кўзимиз кўникиб қолган-да! Бу ердаги янгилик эса бирданига «мана мен!» дегандек ялт этиб кўзга ташланади-кўяди.

Сиз асфальт йўлак бўйлаб узун чўзилган бинога кирасиз. Бу ерда иш қайноқ. Сут соғиши аппаратлари бир меъёрда ишлаб турибди. Сут ўлчагич асбоблар мили аста-секин кичик рақамларни ортда қолдиради. Сут оқими сира тўхтамайди. Ферма ёнидаги сут-қатиқ, ёғ тайёрлаш комбинати ишчилари ҳам эрталабдан енг шимарид ишга тушганлар. Ферма маҳсулоти шу комбинатда қайта ишланиб, тўғридан-тўғри чакана савдога циқарилади. Ферма соғувчиларига аввалгидай 20—25 сигир эмас, 100—150 сигир биркитилган. Соғувчи олдингидай сут соғиб, сигирни подавонга қолдириб кетавермайди. Дарвоқе, бу ерда подавон деган сўзни лугатдан чиқариб ташлашганмиш, унинг ўрнига аллақандай бир сўзни ишлатишади. Бу янги ном подавонга жуда хуш ёқади. Ундан: «Сиз ким бўлиб ишлайсиз?» деб сўрасангиз, жуда эркин, айни пайтда фурур билан ўша сўзни айтади. Хўш, биз ҳозирча подавон деяверайлик, нима дедингиз? Подавон молларга бериладиган ем-хашакнинг тақсимланишини кўздан кечиради. Озуқа тарқатиш установкаси эса бехато ишлайди. Охурларга емиш бир хил тушади. У моллар тагини тозаловчи асбобнинг ишлашини назорат қиласиди. Кўнгилдагидай ишламаса, инженер ёки механикни чақиради. Хуллас, фермадаги, айтайлик, беш ёки олти минг соғин сигирга шу подавон якка ўзи емиш улашади, тагини курайди. Ол-

динлари бу иш билан йигирма киши банд бўларди. Энд эса оқ халат кийиб олган, ўрта техник маълумотига эга мутахассис стол ёнидан жилмай ҳамма ишин бажо келтираверади.

Иккинчи бинода сути сал-пал камайган, «ориқлади»га чиққан сигирлар боқилади. Улар оширилган рацион билан парваришланади. Бу моллар ҳам ўша подавон қўлида. Учинчи бино — бузоқхона. Улар қайси ойларда туғилганига қараб группаларга бўлинган. Бир группа иккинчисидан симтўрлар билан ажратилган. Ҳар группага бир киши жавобгар. Бу ерда хотин-қизлар ишлашади. Улар бузоқларни парваришлашга уста. Бунинг устига бузоқлар уззу кун кўз-қулоқ бўлишни, юмшоқ қўлни, меҳр-муҳаббатни талаб қиласди. Ферма четдан озуқа сотиб олмайди. Ўзида беда уни, ёрма, омухта озуқалар тайёрланади. Ферма қошида бедачилик бригадаси бор. Ўзига доимий транспорт биркитилган. Радио узели бор. Ўз кассири, ўз бухгалтери бор. Хуллас, бутун бир чорва хўжалиги ташвиши, орзу нияти унда жамланган. Нима дедингиз, орзуларим чакки эмас-а!? У мухбирдан жавоб кутади. Мухбир эса унинг оғзига термилганча қотиб қолган эди. У саволини яна қайтаради. Шунда мухбир сергакланади.

— Бу орзулар эмас, ҳаётнинг ўзи,— дейди у ниҳоят.

Ҳикоячи самимий кулади, қўлини мухбирнинг елкасига қўйиб, қулоғига секин шипшийди:

— Миннатдорман, сиздан, азизим. Орзуларимни ниҳоят бир киши тушуниди-я! Ўтган қишида икки-уч чўпонга шуларни айтсам, роса қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Мени, биласизми, сал қолди саҳроига чиқаришларига. Мен айтдим, ҳали саломат бўлсак, кўрамиз, ким саҳроилигини, дедим. Шунда улардан бири бўйини чўзиб, дўрилдоқ овозда: «Ҳаммаси, ҳалиги, нимайди, тутмачани боссанг бажарилаверса, биз нима қиласмиз. Чўпон бўлиб қолаверамизми ёки жойни бўшатиб қўйинглар дейишидими», деди. Мен, тутмачани босишга сизни ҳам, мени

ҳам ўргатишади, ўқитишади, дедим. Улар баттар шов-қии солиб кулишди. «Эй, саҳрои жўрам-эй, унда, демак, икковимиз ҳам, манавилар ҳам ишсиз қоларканмиз-да, шундайми?»— деди ҳалиги дўрилдоқ овоз яна. Нега, айтаяпман-ку, ўқитишади деб, дедим. У бошимга мушт туширадигандек ўшқирди: «Уттиз йил таёқ кўтарганман, ўқитишади эмиш... Тушингни сувга айт!» Шу-шу, орзуларим ҳақида оғиз очган эмасман. Лекин яқинда ўшалар мени ўртага олиб, ҳов бир замон айтган орзуларингни яна такрорла, жуда тинглагимиз келяпти, дейишди. Мен эса уларга: «Энди қизифи йўқ. Телевизордан кўриб билиб олаверинглар», дедим. Россияяга, Болтиқ бўйи республикаларига борсаларинг, ўз кўзларинг билан кўрасизлар, дедим. Э, бориб ҳам нима қиласизлар: ортиқча гашвиш-ку. Эрта-индин ўзимизда ҳам бўлади ўшандақаси, дедим. Нима дейсиз, мулла ака, тўғри айтибманми?

Чорвадорлар энди ўша «саҳрои» орзуларининг тезроқ рўёбга чиқишини истаб қолдилар. Нега? Чорвачиликни индустрисл асосда қайта қуришга чўпон нега бу қадар хоҳиш билдираётир? У энди курсларда ўқишига ҳам, «тўрт томони девор» уйда ўтириб, тугмачани босишига ҳам тайёр. Хўш, нега? Жавоб — жуда оддий:

— Ҳаёт талаби бу!

— Ҳа, ҳаёт чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш маданиятини оширишни талаб қилмоқда. Ишлаб чиқариш маданиятини эса механизациясиз кўтариб бўлмайди. Усиз маҳсулот ҳам кўпаймайди, ҳамма томони экин-тикинлар билан банд бўлган тор яйловда қўй-қўзи, сигир-бузокни ҳам боқиб бўлмайди. Шу кунги эҳтиёжни, талабни фақат ва фақат чорвачиликни индустрисл асосга қўйиш йўли билан қондириш мумкин, холос.

Фақат шуларми? Йўқ албатта. Чорвадорнинг бу қадар шошилаётганида бошқа сабаблар ҳам бор. Охунбоносев номли колхоз фермаси катта йўлга яқни ерда жойлашган. Фермага келиб аҳвол суриштириб турниш колхоз

раҳбарларига ҳам, район мутахассисларига ҳам құлай. Айниңса қор қалин тушган 1972 йилда бу ерда вакилларни истаган пайтда учратиш мүмкін әди.

Қишлоқ хұжалик бошқармаси бошлиғи шумшайиб турған сиғирларга ачиниш билан боқаркан:

— Жониворлар совуққа чидаш беролмаяпты. Бу-ку ҳайвон. Қорин оч бұлса, одамға титроқ тушады, тиззаси тоб беролмайды, ерга үйкекалайды,— деди у ва теварак-атрофни күрсатди.— Қаранг, ҳов Қорақыргача, бу ёғи Новшаҳаргача бўм-бўш. Ер кўп. Ҳайронсан, ёз бўйи нима қилищдийкин чорвадорлар? Ҳўп, катта хўжаликни катта деймиз. Бу колхоз кичик, атиги бир бўлим ерича жойга пахта экади. Чорва моли-ку жуда ҳам кам. Атиги юзта соғин сиғир бор.

— Юзтасига ҳам, мингтасига ҳам бир ташвиш қилинади. Уларни йироқроқ фермага бирлаштируса бўлмасмикин?— дедим мен.

— Бўладику-я... Аммо хўжаликда сут ҳам ишлаб чиқарилиши керак-да. Коида, тартиб шундай.

— Баъзи областларда ихтисослаштириш бошланди.

— Бу тўғри. Ихтисослаштириш бизда ҳам жорий этилаётир. Ана Шерободдаги «СССР 50 йиллиги» совхози шундай хўжалик-ку. Фақат чорва билан шуғулланади. Совхозлардан тўрт-беш ойлик бузоқларни қабул қилиб олинади-да, қочириш ёшигача боқилади. Хуллас, насл яхшиланади. Моллар зотдор бўлиб етишади. Сут, гўшт кўпаяди. Механизация кенг қўлланилади. Демак, иш осонлашади. Маҳсулот таннархи пасаяди. Бизда ундей қилиб бўлмайди. 100—150 бош сиғир боқилаётган ферма қошида комбикорма цехи қуриш мүмкінми? Ҳисоб-китобни билган, фойда-зарарни бир-биридан ажратса оладиган раҳбар бундай цехни қурмайди, албатта. Чунки у заардан бошқа нарсани келтирмайди. Кичик фермада емиш тарқатиш, бинони тозалаш асбоб-ускуналарининг ҳам ҳеч зарурати йўқ шекилли. Нега деса-нгиз, бундай фермалар усиз ҳам ўзини оқлолмаётак.

Хүш, айтинг-чи, ўзини ўзи қоплолмаган фермада чўпоннинг ишилагиси келадими? Ахир, у пахтацилик бригадасига келиб, сувчилик қилса ёки пахта терса, фермадагига қараганда анча кўп даромад қилмайдими? Ундан сўнг... Чўпон ҳам, соғувчи ҳам кўраяпти, уларнинг ишини ҳозиргидан кўра анча енгиллатиш имконияти ҳам бор экан. Яхшиси, у иш механизация елкасига юкланган фермага боради-да, бир-икки ой шогирд тушиб, техника сирларини ўрганиб олади. У ерда ҳам бу қолоқ фермадагига нисбатан кўп ойлик олиши мумкин. Тоза-озода фермада ишлашга нима етсин! Ана шундай... Чорвадорнинг кўнглини раис ҳам, мудир ҳам овлолмай қолди. У жуда серзарда. Гапни айлантираверсангиз, таёғини олдингизга қўйиб, жўнаб қолишдан ҳам қайтмайди. Энди уларнинг кўнглини техника тинччиши мумкин, холос.

Бошқарма бошлигининг ҳикоясини тинглаб, ўзимча ўйлаб қўйдим. Чиндан ҳам, қўйчивонлик, айниқса чўчқабоқарлиг-у, товуқ фермасида ишлашни истовчилар тобора камайиб боряпти. Фермага бирон кишини юбориши учун уч-тўрт киши ёлвориб, илтимос қилишгача боради-я! Одамларга чўчқабоқар, товуқбоқар деган сўзлар совуқ эшитиладиган бўлиб қолдимикин-а? Эҳтимол шундайдир. Мана, гидротехникликни олинг.

Илгарилари ариқ ёқалаб, бригадаларга сув тақсимлаб берувчи кишини мироб дейишаради. Миробликка одатда саводи камроқ, умумий назорат қилиб юрадиган киши танланарди. Ҳозир-чи? Энди уларни гидротехник деб аталадиган бўлди. Бу сўз ҳалқ орасига жуда тез сингди. Гидротехниклар мироблар сингари сувни кўз билан чамаламайдилар, уларнинг қўлида гидрометр бор. Олдин мироблар от миниб юришаради. Гидротехникларга эса хўжалик машина бериб қўйибди. Авваллари ариқлар, сув йўлларини тозалаш, тартибга келтириш бригадалар зиммасида эди. Энди эса бу ишларга гидротехник раҳбарлик қиласди.

Жұра Рассоқов узоқ йил колхозга раислик қилди. Үкесарғач, правлениега ариза берди, раисликни ёшлардан биронтаси бажарсın, деди. Шунда ундан: «Сизга қандай иш маңқул?» деб сүрашганда, «майли, гидротехник бўла қолай. Фўзамиз яшиаб турсин», деди. Гидротехникликда Жұра Рассоқов сингари обрўли-эътиборли кишилар ишләтилар ҳозир. «Ҳамма гап,— деганди Жұра Рассоқов менга,— касбга мос ном ташлашда. Мени ҳали бирон киши мироб деб чақирган эмас. Чунки мен гидротехникман. Мана бу бўлак гап. Жарангдор, кўнгилга яқин».

Бўлди! Чўчқабоқарга ҳам ярашиқли, жарангдор ном топиш вақти-соати келиб етди.

Бир гал шундай воқеа бўлганди. Үнинчини битириб, чўчқачилик фермасида ишләётган А. исмли қизининг баҳт тўйини ёзиш учун борганимизда қиз биздан илтимос қиласанди:

— Тўй ҳакида ёзмасаларинг.

— Нега? Жуда ажойиб ўтди-ку. Қанийди, ҳамма тўйлар ҳам шундай ўтса.

— Шундай бўлса ҳам... Ёзиш шарт эмасдир.

Шунда куёв йигит гапга аралаши:

— А. суратчи келгандаёқ менга шипшитганди: «Айтинг, газетага беришмасин», деганди. «Мен, қайтага яхши-ку, хўп деяверинг», дедим. У эса, «ҳозир чўчқабоқарлигимни бир қишлоқ билади, эртага область билишини хоҳлайсизми», деди жаҳлланиб. Мен эътироz билдирамдим, кейин, биласизми, унга бу ишни оёқ-қўлини боғлагандай қилиб топширишди-я! Эртага раисга ариза кўтариб бормоқчимиз. Олсин чўчқасини. Механизация мактабига кетамиз. Смен қилиб, машинада пахта террамиз. Номи ҳам ўзига ярашиқли: Механизатор!.. «Зангори кема» капитани!..

Мен ҳалиги «саҳрои» йигитни эсладим. У ҳақ эди. Үнинг орзулари ростакамига ҳаётнинг ўзи эди.

ЯЙЛОВ МОЖАРОСИ

1974 йил. Август.

Деҳқонобод райони меҳмонхонаси. Биз, сурхондарёлик ўзаро текшириш бригадаси вакилларини мусобақадошларимиз шу ерда кутиб олишди. Биз «Облсовхозтрест» директори муовини Митхат Камолитдинов билан меҳмонхонада қолдик. Бошқа қардошларимиз бригадаларга бўлиниб, турли райснларга жўнаб кетишли. Биз район чорвасини кўздан кечириш учун отланмоқчи бўлиб тургандик, икки киши келиб қолди.

Январь Пўлатович уларни дастурхонга таклиф қилиди. Январь Иноятов Деҳқонобод район партия комитетининг биринчи секретари. Ёш, сергайрат йигит. Бир неча йил партия ташкилотларида ишлаб, чиниқсан ходим.

Меҳмонлар ийманибгина бўш стулларга ўтириши. Январь Пўлатович уларга иссиқ чой узатди, ноз-неъматлардан олинглар, деб қистади. Шунда улардан бирин, тўладан келган, ранги сариқроқ, қовоғи қалин киши стулни ғичирлатиб, томоқ қириб қўйди-да, гап бошлади:

— Январь Пўлатович, ҳозир томоқдан гўшт тугул бир увоқ нон ҳам ўтмай қолди,— деди.

— Нега, партком бова?

Партком дегани Бўтаёр Ашурев эди. Сурхондарё область Гагарин Давлат наслчиллик совхози партия комитети секретари. У деҳқонободликларга яхши таниш. Ҳар или яйлов сўраб келавериб, уларга «ўз одамидай» бўлиб қолганди. Лекин бу йил деҳқонободлик чорвадорлар «ўз одами»ни ҳам танимай қўйишли. Улар бешолти сурув қўй-эчкини катта умид билан район чегарасига ҳайдаб келишганди, юзингда кўзинг борми демай, қувиб юборишли. Райком секретарининг ўзи келиб рухсат бермагунча чегарарадан ҳатлаб ўтмайсиз, дейишди деҳқонободликлар. Бўтаёр Ашурев эса бош зоотехник

Мирҳолиқ Менглиев билан машинага ўтириб, рајком ҳузурига шошилган эдилар.

— Январь Пўлатович, аҳволимиз танг. Сурув чарчаб қолган. Қарийб уч юз километр йўлни босиб келдик. Сурувни яна қайтариб кетадиган бўлсак, йўлда битта қолмай қирилиб битади. Ўтган йили яхши ёрдам қилдингиз, раҳмат! Бу йил ҳам бир олижаноблик қилиб юбормасангиз бўлмайди,— деди партком.

— Шундай қилинг, рајком бова,— қўшиб қўйди бош зоотехник.

Райком секретари уларни бамайлихотир тинглади. Кейин тирсагини столга тираб, чап кафти билан тарқоқ соchlарини силади. Кители ён чўнтағидан тўрт-беш буклоғлик қофозни олди-да, унга кўз юргуртганча, паст овозда деди:

— Шу кунда яйловларимизда олти юз минг чорва моли боқиласди. Олти юз минг! Бу ҳисобга чакана моллар, сизнинг областдан келган юз минг бош қўй кирмайди. Ўзи-ку четдан битта ҳам мол олмаймиз, дегандим. Масъул ўртоқлар аралашгач, ноилож хўп дедим. Бунинг устига, сиз ҳам ...Билмадим, нима қилиш керак?

Январь Пўлатовичнинг иккиланиброқ айтган сўнгги сўзлари гагаринликларни бир оз дадиллантириб, умид учқунларини хиёл кучайтирди. Улар ҳеч бўлмаса сурувларнинг бир қисмини қолдириш учун секретарнинг розилигини олиш ниятида эдилар.

— Майли, беш-олти отарга жой беринг,— деди Бўтатёр Ашуров.

— Қаердан берай? Бўш яйлов борми, айтинг, хўп дейман,— деди Январь Пўлатович.

— Оқработ ерлари бор-ку. Ўтган йил ҳам ўша ерда молларимизга сал сўл юргурган эди,— зоотехник гапга аралашди.

Секретарнинг қотма юзига қон тепди.

— Оқработ... У ерда йилқиичилик фермаси, яна түрт сурув молимиз боқиялпти-ку.

— Үтган йил...

— Үтган йил, үтган йил... У йил бошқача эди. Шароит бор эди. Фалла мүл бўлди. Сомон етарли эди. Қирадирларда хашак ҳам кўп эди. Ахир, ўз аҳволимизни ўзимиз биламиш-да. Бизга ҳаммаси манави кафтилизидагидек кўриниб турибди. Хали ўзим ич-ичимдан ташвишланиб юрибман. Борди-ю, қиши қаттиқ келса, ҳеч иложимиз йўқ. Яйловлар қуппа-қуруқ. Одамларимизга авваллари даладаги сомонни ташиб олинглар деявериб хунобимиз чиқарди. Бу йил бўлса, ана, далаларни айланниб кўринг, хирмон жойдан бирон қоп сомон топа оласизми? Сурув ҳозирданоқ ориқлай бошлади. Мутахассисларимиз ҳисоблаб кўришди. Яйловдаги табий харакат үтган йилгидан эллик-олтмиш процент кам. Сиз чорвадорсиз, яхши биласиз, партком бова, ҳар бир бош қўйга тўрт гектар тўғри келиши керак. Бизда эса акси. Тўрт-беш қўйга бир гектар ер тўғри келяпти. Энди... Хафа бўлмайсиз, ҳеч иложим йўқ.— Январь Пўлатович кулиб қўйди.— Олижаноблик қиласверсан чорванинг уволига қоламан, чўпон қарғишига учрайман.

Райком секретари уларни машинасигача кузатиб қўйди. Ранглари қув оқариб, қайтиб келди. Бошини сарак-сарак қилганча деди:

— Эҳ, жуда ўсал бўлди-да. Хафа бўлиб кетишди. Имконияти бўлсайкан, ҳе, майли, деб юборсанг. Икки оёқни бир этикка тиқиб турибмиз. Ҳамма ташвишда. Кеча бир ферма мудири келибди: ёки икки-уч гарам емишга ёрдам қилинг, ёки мудирликдан бўшатиб қўйишин, дейди. Совхозга жўнатиб юбордим. Бу талабни директорга айтинг, дедим. Аслида-ку, суриштириб кўрсангиз, директор талабини қондиролмагач, райкомга келган бўлиб чиқади. Чорвадор ташвишга тушиб қолди. У аҳволни олдиндан сезиб турибди. Шу яйлов можароси ҳам йилдан-йил жиддийлашиб боряпти-да. Чорва

қисилиціб қолаётір. Янги ерлар ўзлаштирилгани сары
чорвага жой тор бўлиб қолмоқда.

Январь Пўлатовичнинг шу сўзларини тинглаб, қўзи-
латиш мавсумида бўлган воқеани беихтиёр эсладим.
Бу ҳақда даврадагиларга ҳикоя қилиб бердим. Ушанда
область партия комитети топшириғи билан Жарқўргон
районидаги Ленин номли колхозга вакил бўлиб борган-
дим. Биз колхознинг ўн сурув қўй-эчкиси, икки қора-
момчилик, чўчқачилик, паррандачилик фермалари, бир
неча сурув хусусий моли юрган яйловни атиги бир соат
ицида айланиб чиқдик. Шунда раис муовини Пўлат
Бўриевдан сўрадим:

— Бошқа яйлов ҳам борми?

— Йўқ,— деди у.— Ҳамма мол-ҳолимиз шу ягона
яйловда қамалиб қолган. Олдинги йиллари Гагарин
номли совхоз территориясидаги беш юз гектар қир-адир
ерларда молларимиз юарди. Бу йил совхоз сурувини
ўтказмай қўйди. Совхоз ҳатто яйловни боплаб чегара-
лаб ҳам олди. Трактор юргизиб, худди давлат чегара-
синики сингари ўн метр кенгликда ҳайдаб қўйибди.
Яқинлашиб бўлмайди. Бирон мол чегарани хатлаб ўт-
ди дегунича, тамом, жанжал чиқади. Чорва яйловимиз-
нинг тўрт томони ҳам ёпиқ. «Қизил Октябрь», «Москва»
колхозлари ҳам «чегара зонаси» ўтказиб олишди. Биз
нима қиласиз, билмадим. План, мажбурият... Чорва
ташвиши пахтаникidan ўн ҳисса ошиб тушяпти. Ҳамма
бало яйловнинг торлигига.

— Ўша муовин ҳақ гапни айтибди,— деди Деҳқон-
обод раийжроқуми раиси Абдураҳмон Худойназаров
сочиқни қатлаб стол устига қўяркан.— Пахтакор хўжа-
ликларда чорвачилик ортиқча ташвиш туғдиряпти, хо-
лос. Ихтисослаштириш тезлаштирилса, эҳтимол, уларни
бу ташвишдан ҳалос қилиш мумкин бўлармиди! Бу иш
ҳали ўлда-жўлда, сизда ҳам, бизда ҳам. Ҳўжалик ё деҳ-
қончилик қиласа, ё чорва билан шуғулланса.

— Ана шунда тартиб ҳам бўларди,— деди анчадан

бери бошини эгиброк ўй суриб ўтирган Мамашо Олла-
ёров. Мамашо оға Қашқадарे область совхозлар трести
директори. Тури лавозимларда ишлаган. Пахтанинг
ҳам, чорванинг ҳам тилига тушуниб кетган тажрибали
киши.—Иш ҳам яхши кетарди. Ҳозир-чи? Раис ерга
кўпроқ чигит қадашни ўйлайди. Шунинг учун раис сув
чиқариш имконияти бўлса, у чорва яйловими, полиз
майдоними — пахта экай, дейди. Ферма мудири эса
бундай қилолмайди, албатта. Шундай қилиб, сурув то-
бора йироқлашаверади. У узоқлашган сайин яйлов ҳам
қисқарib бераверади.

Нима қилиш керак? Ҳаммаси айланиб-ўргилиб чор-
ва комплексига келиб тақалади. Бу жумбоқни фақат
икки ўйл билан, биринчиси, ихтисослаштириш, чорва
билан шуғулланувчи алоҳида хўжаликлар тузиш, ик-
кинчиси, комплекс механизацияни кенг жорий қилиш
орқали ҳал этиш мумкин дейишади чорва мутахассис-
лари. Аммо бу ишлар амалга ошгунга қадар молларни
тўқ ва семиз сақлаш, план ва мажбуриятларни бажа-
риш ўйларини ҳам қидириш керак-да. Область тажри-
ба станцияси шундай ўйлардан бирини дадил тавсия
қилмоқда.

Маълумки, Сурхон воҳаси энг иссиқ нуқталардан би-
ридир. Бизда сугориладиган ерлардан ҳар йили камида
икки марта ҳосил олиш мумкин. Пахта майдонлари
ноябрь ойидан қарийб май ойига қадар бекор ётади.
Маккажўхори, полиз ва сабзавот майдонлари эса беш-
олти ой ҳувиллаб тураверади. Хўш, нима бўлти? Үрта-
ча йиллик ҳарорат икки даража иссиқдан пастга туш-
маса, йилнинг 307 кунида исиқлик беш-олти даражани
ташкил этса, деҳқон ерни бўм-бўш қўяверадими!

«Коммунизм» колхози, «Сурхон» совхози деҳқонла-
ри, чорвадорлари бир неча йилдан бери молларни қиши-
да ҳам барра ўт билан таъминлаётирлар. Қандай қи-
либ? Коммунизмликлар бир неча юз гектар ерга пахта
ҳосили йиғиб олингандан кейин нўхат экдилар. Қа-

ранг-а, олдинлари баҳорга қадар бекор ётган ердан 1973 йилда 27 центнердан нұхат, 40 центнердан хашак олинди. Сурхонликлар бўлса, пахта майдонларига оралиқ әкиnlари экаётirлар. Бир қатор хўжаликлар эса ҳосилдан бўшаган ерларга қишики арпа экиб, беш юз центнердан кўк масса олаётirлар. Қорли-қировли кунларда молниг барра ўтга оғзи тегса, тетик бўлади. Диққатга сазовор томони қишида чорва моллари учун тансиқ озуқа ўстирилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги ҳам икки-уч центнерга ошаётir. Демак, икки томонлама фойда кўриляпти. Тажриба станцияси ходимларининг фикрича, йил бўйи ишлатилган ер соғлом, гўза зараркунандалари кам бўлади. Бу ҳам яхши гап!

Агар ҳамма ерлар — пахта майдонлари, фаллазорлар, полиз ва сабзавот карталари, боф-роғлар орасига қишики әкиnlар экилса, яйловларда ўт кўкарғунга қадар чорва молларини бемалол тўйимли, сериштаҳа озуқа билан таъминлаш имконияти вужудга келарди, дейишади улар.

Яйловлар торайған сайин борига қаноат ҳам камайиб бораётir. Чорвадорлар беш-олти йил олдин юқоридан қистов бўлмаса, қишлоғ жойидан жилмасдилар. Энди эса ердаги қор чала-ярим эриши биланоқ сурувни тоққа ҳайдашга шошиладилар. Сабабини суринчирсангиз, «Эртароқ бориб, жой эгалламасак бўлмайди. Бошқалар ўрнашиб олгач, биз нима қиласмиш, дейишади. Ана шундай! Яйловлардан фойдаланишда тартибсизлик кучайиб кетди. Бу эса, яйловлардан беаёв, очкўзлик билан фойдаланиш кайфиятини туғдирди. Чорвадор келгуси баҳорда яна шу яйловга қайтиб келиш-келмаслигини билмайди. Шундай бўлгач, у молларни ҳеч ўйламай-нетмай, у қирдан бунисига ўтказиб юраверади.

Яйловлар хўжаликларга бўлиб берилганда, ферма мудирлари эса ҳар бир отар учун маълум жойни чамалаб ажратганда эди, чўпон масъулияти анча ошарди. У эртани ҳам ўйларди. Шунда у таёқни елкага ташлаб

сурув ортидан юрмасди, балки ҳар вақт олдинда турарди. Сурувнинг чор-атрофга тарқалиб ўтлашига йўл қўймасди.

Бу ҳам маъқул гап!

Яна бир масала. Ҳозир бедачилик бригадасига эга бўлмаган бирон хўжалик йўқ. Бу бригада ихтиёрига юз-икки юз гектар ер бериб қўйилибди. У ерларда беда, маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари етиширилади. Лекин озуқа экинлари ҳосилдорлиги ниҳоятда паст.

— Нега? — деб сўраймиз бригада бошлигидан.

— Сув, — дейди у, — июнь-август ойларида бир дарё сув бўлса ҳам пахтага бошқарилади. Беда-ю, маккани ҳеч ким эсламайди.

Ростдан ҳам саратонинг жазирамасида бедазорларни кўздан кечирган киши бригадирнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қиласди. Йўнғичқа сувсизликдан ғужанак бўлиб қолади. Чорвадор иложисиз, охири дарё ва кўллар бўйидаги қамиш, янтоқни йиғишга киришади. Ҳар ҳолда, бир нав-да. Мол қаҳратон қишида қуруқ кавшангандан кўра, қамиш ва янтоқ чайнагани маъқул эмасми?

Чўпон ўйлади. У қусурлар, можаролар ҳақида ташвиш тортади.

БЕЛЛАШУВ ШАРТИ

1974 йил, март.

Бу гал Жарқўргон районидаги Ленин номли колхозга вакил бўлиб бордим. «Сиз шу колхозни дурустроқ биласиз, олдин ҳам сув масаласида ўн-ён беш кун юриб қайтдингиз», дейишди. Мен хўп дедим.

Мени идорада уч-тўрт киши кутиб туришган экан. Одатда, қисталанг пайтларда хўжалик раҳбарларини излаб топиш қийин. Баъзан чангга беланиб, кун бўйи бригадама-бригада сўроқлассангиз ҳам дум тутқазиши-

майды. Мана, раис ҳам шу ерда, партком ҳам. Зоотехник, тафтиш комиссияси раиси ҳам правление хонасида ўтиришарди.

Уша күнлари юқоридан топшириқ бўлганди: ҳамма колхоз ва совхозларда баҳор экиш ишларига ҳозирлик ниҳоясига етказилиши лозим эди. Биронта хўжалик раҳбари ерга сурормасдан уруғ ташлайдиган бўлса, қаттиқ жазога тортилади, деб огоҳлантирилганди. Шунинг учун катта-кичик — ҳамма далага сафарбар этилганди.

Шу боисдан мен шошилдим. Бош зоотехник билан бирга яйловга чиқиб кетдик. Шайдулла Тожиев йўл-йўлакай бош ирғаб, пешоналарини тириштирганча атрофга аллақандай ачиниш билан қараб борди.

— Утган йили мана шу ерлар,— деди у ниҳоят қипяланғоч жойни кўрсатиб,— кўм-кўк эди. Мартнинг ўн олтими-ўн еттинчи куни майса устида ёнбошлаб, ҳордиқ чиқаргандик. Худди кечагидай эсимда. Ушанда вакилга ҳам осон бўлди. Қайси отарга борсангиз, барра тайёр эди. Бу йил насиб қилмади. Ут йўқ. Совлиқлар ориқ. Омон қолган қўзилар нимжон. Бир юз қирқдан берамиз, деб мажбурият олганмиз. Утган куни ҳисоблаб чиқсак, энди ўттиз бешдан бўлибди. Мартнинг ярми ўтибдики, ўттиз бешдан. Жуда ташвишга тушиб қолдик. Қўйнинг оғзи ўтга тегмаса, одам оғзи мойга тегиши қийин. Правление аъзоларидан уч киши — мен, раис муовини, тафтиш комиссияси раиси қарийб йигирма беш кундан бери уй юзини кўрганимиз йўқ. Куни миз яйловда ўтади. Штабда тунаймиз, штабда чой ичамиз. Бирон қўзини тери учун деб сўйишадиган бўлса, ўрнини тиклатајпимиз. Ҳатто совлиқ бола ташласа ҳам, чўпонга ўрнини тўлдирасан, деяпмиз. У куни бирови жанжал қилди. Қаердан олиб тўлдирай, деди. Ўзингизнинг молингиз ҳисобидан тўлғазинг, дедим. Хуллас, сенмен қилдик.

Биз дастлаб Хўшбоқ Олоназаров отарида тўхтадик.

Зоотехник йўл-йўлакай Хўшбоқ Олланазаровнинг колхоздаги пешқадам чўпонлардан бири эканлигини айтиб, таъриф-тавсифини келтирганди. Чўпон билан биз ўртамизда шундай савол-жавоб бўлиб ўтди. (Бу савол-жавобни айнан келтирмоқчиман).

— Сурувда нечта совлиқ бор?

— 421 та.

— Неча совлиқ қўзилади?

— 89 та.

— Мажбуриятингиз?

— 150 тадан дейишиди.

— Ҳар юз бош совлиққа юз элликтадан? Оз-ку бу. Бобохон Раҳмонов, Нурқул Йўлдошевлар икки юз элликтадан дейишяпти.

— Ҳа, энди, улар бошқа-да, укам.

— Нимаси бошқа? У ҳам чўпон, сиз ҳам.

— Э, билмасам...

Зоотехник орага тушди. У салмоқ билан гап бошлиди:

— Энди, Хўшбоқ ака, тўғрисини айтсан, 160—170 дан олиш имкониятингиз бор. Юрагингиз айтиб турибди: камида 170 дан бўлади, деяпти. Эшитдингиз, кеча раис айтди, колхозда тўл олишда биринчиликни эгаллаган чўпонга битта «Москвич» мукофотга берилади, деди. Баландни қўзлаган яхши-да. Узоқни қўзлаган пойгачи маррага тез етаркан, чарчамасканам, қаранг-га! Меҳмоннинг гапига тушунган бўлсангиз керак. Қани, мажбуриятингиз ёзилган қоғозни олинг-чи?

Чўпон тўрт-беш буқлоқли қоғозни телпаги қулоқчими орасидан олиб, унга узатади. Шартнома қоғозида чўпоннинг исм-фамилияси, отардаги совлиқлар сони, қўзи олиш мажбурияти кўрсатилган ва чўпон имзо чеккан эди. Худди шу шартноманинг бир нусхаси правлениеда сақланарди. Шартномадаги мажбуриятнинг бир неча марта ўзгартирилиб, тузатиб ёзилганлиги турли сиёҳ рангларидан ҳам билиниб турарди.

— Узи йил бошида, 140 дан оламан, дегандим. Чунки ўтган йили 130 дан олгандын-да. Бу йил, мана күриб турибизилар, чорва учун ўтган йилги шароит йўқ. Мол оч. Бир кун райондан вакил келди. Мажбуриятимни айтгандым, оз-ку, деди, худди сиздай. Ҳа-е, 145 дан бўлсин, дедим. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, яна бир киши келди. Буни областдан дейишди. Ярим соат чамаси сухбат қилди. Сурувни оралаб кўрди. Чой дамладим, ўйга киринглар, дедим. Шунда меҳмон кулиб, елкамга қўлини қўйди-да: «Мажбуриятингизга яна ўнта қўшамиз. Хўп десангиз, бир пиёла чойингизни яйраб ичамиз», деди. Юз иссиқ-да. Хўп деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Уртада енгил кулги кўтарилиди. Зоотехник ўша жилмайганча:

— Энди, гапни бурманг-да, Хўшбоқ ака,— деди.— Меҳмонларнинг ҳам раъйига қараш керак. Қаттага йўқ дейиш, Хўшбоқ ака, айниқса сизга ярашмаскан.

— Хўп, нима қиласай?

— Манавини яна ўнтига оширамиз,— деди зоотехник бармоғи учи билан мажбурият рақамини кўрсатиб. Чўпон ортга тисарилди.

— Йўғ-е!..

— Сиз одамни уялтирманг-да, Хўшбоқ ака. Таги қуюқ бўлса, юз саксон ҳам бўлади, ҳа! Юз элликни олган, юз олтмишин ололмайдими? Дадил бўлиш керак.

— Чўпонда чўт йўқ дейсизми, зоотехник?

— Чўт бор-да, шунинг учун айтаяпмиз-да.

— Ҳе, бўлари бўлсин, ёзиб қўяверинг юз олтмиш деб.

Зоотехник шартнома қозозидаги рақамни ўзгартириб, чўпонга узатди.

— Энди, отам келиб, бўтам, деса ҳам йўқ денг. Раҳмат сизга, меҳмоннинг сўзини ерда қолдирмадингиз.

Мен ҳам раҳмат айтдим, беихтиёр жилмайдим. Ахир, закиён олган тошириғидан бирини бажармоқда эди.

Шундай бўлгач, жилмаяркансан, чўпоннинг қўлини маҳкам қисиб, қўй ҳиди келиб турган юзидан ўпиб ҳам оларкансан, киши.

Биз Хўшбоқ Олланазаров «ташаббуси»ни дастак қилиб, бошқа отарлар бош чўпонлари мажбуриятларини ҳам бир қадар ошириб ёзилишига эриша бошладик. Ҳа, эриша бошладик, деялман! Аммо фақат рақамларнинг оширилишига эришаёттирмиз, холос. Қўзилар сонини ошириш эса яна чўпон зиммасига қолган эди. Биз ўша куни жуда хурсанд эдик. Зоотехник ҳар икки гапнинг бирида: «Қадамингиз ёқди, биз ўн кун ёлворсак ҳам рози бўлишмасди», деярди.

— Яна нечта сурув қолди? — дедим зоотехникка кечга яқин.

— Битта холос. Ҳиммат Даминов отари. Шуни кўрсангиз, тамом.

Ҳиммат Даминов — юзи гўштдор, полвонсифат, кўзлари чақнаб турибди. Қора ўтов олдида кофе ранг «Волга». «Бу бош чўпонники,— деди зоотехник.— Узи мард йигит. 140 тадан мажбурият олган. Камида 20 тага ошириш керак». У-буни сўраб-суриштиргач, гап мавзуини мажбуриятга буришга шошилдик.

— Ким билан мусобақадошсиз? — секин сўрадим.

— Хўшбоқ билан,— деди Ҳиммат Даминов.

— Уҳ-ӯ, яхши-ку. Даврага тушсанг, зўр билан тутиш деганлар. Аммо яхши қипсиз. Хўшбоқ ака билан беллашсангиз арзиди,— дедим.

— Беллашганлари яхшику-я,— деди зоотехник зимдан мен томонга кўз қирини ташлаб қўяркан.— Ортга тисарилиб қолаётганлари чатоқ-да... Ҳимматвой, Хўшбоқ ака 160 дан бераман, деди.

— Нима қиласай? — чўпоннинг гўштдор юзига қон тепди.— Тутуриғи борми ўзи? Лафз қилди, 140 дан деди. Қўл олишдик. Ӯшанда айтсин эди, 160 дан десин эди. Нега аҳмоқ қиласади? Шу ҳам мусобақа бўлдими? Ҳали у томонга, ҳали бу томонга оғади. Бир айтдими-

айтди, беллашдими-беллашди, тамом! Ким енгган енгмаганини түл мавсуми натижаси кўрсатади. Ўтган ҳафта ҳам икки вакил қелиб шундай деди, Хўшибоқ сиздан ўзаётир, деди. Мен ўзса ўзверсин, дедим. Рост-да! Бир юз қирқ деганман, шу гапим! Ийқ деса, ана, бошқаси билан беллашисин. Мен мажбуриятимни ўзгартмайман. Имкониятдан ортиқ чираниб, эл орасида кулки бўлишни хоҳламайман. Агар шу қоғозга қараб анави совлиқлар патирлатиб туғиб берса-ку, майли, хоҳлаганингизни ёзверинг. Агар сурув тақдири бизнииг қўлимиизда бўлса, бизни ҳам тингланг, зоотехник! Сурувни биз биламиз, сиз эмас.

— Нега биз билмасканмиз? — ўқрайди зоотехник.

— Билсангиз айтинг-чи, нега мен илтимосларингизни қабул қилолмаётирман? Ўтган йили бир оғиз айтгандингиз, ўн иккитага оширгандим. Бу йил-чи? Айтольмайсиз. Мен эса сизга тушунтириб бераман. Ўтган йили бу пайтда совлиқларнинг ярми қўзилаганди. Ўнта уччам, йигирмата эгиз қўзи олгандим. Бу йил биронта ҳам эгиз қўзи йўқ. Эгиз қўзи бўлса, тўл мўл деяверинг. Бу йил эгиз йўқ. Сунъий қочириш пайтида берилган қон сифатсиз бўлган. Уни лабораторияда яхши текширилмаганга ўҳшайди. Мана, сабаб. Бу йил 140 дан олсам, дўппимни осмонга отаман, зоотехник!

Шайдулла Тожиев штабга келгунга қадар лом-мим демади. У қўл остидаги оддий чўпон берган дашномдан қаттиқ уялган эди. У мудир каттакон яшил мис чойнакка чой дамлаб келгач, аламини ундан олмоқчи бўлди. «Чўпонларни яхши тарбияламагансиз, катталарни тинглашга, итоаткорликка ўргатмагансиз, сиз уларни семиртириб юборибсиз, одам зотини танимайдиган бўлиб қолишибди, зоотехникни танишни истамади-я, анави, Даминовингиз», деди овози қалтираб ва чойдан босиб-босиб ҳўплади. Естиққа тирсак тираб, кун чиқиш тарафдаги қир-адирлардан кўз олмай турди. Қир сирти хиёл

яшил тус олгандек эди. Мудир ҳам ўша томонга қаралғанча:

— Қүёш ерни сал-пал қызитди шекилли. Бугун-эрта ёмғир ёғиб берса борми, майса гупиллаб күтарилади-да. Лекин осмон очиқ, ҳали-вери ёғингарчилик бўлмаса керак-ов. Ниш отган майса нобуд бўлади-да. Мен баъзан ўйлаб қўяман, пахта сувсирайдиган бўлса, неча илму амали ўйлаб топилади, экин сақлаб қолинади. Лекин қурғоқ йиллари чорвадор нима қилиши керак? Табиий яйловларни сугориш имконияти бўлмаса, бир томчи сув так этиб осмондан тушмаса! Баъзан миямга афсонага ўхшаш фикр келади-ю, ўзимдан-ўзим кулиб қўяман. Дуруст-қурум ўйлаб қарасам, ўша хаёллий фикрим тўғрига ҳам ўхшаб қолади. Нега, айтайлик, осмондан яйловларга сунъий ёмғир ёғдириш мумкин эмас? Биз космос асрида, атом асрида яшаяпмиз-ку? Икки самолёт бутун районни таъминлаши мумкин. Харажат бемалол қопланади. 1971 йилда кўз олдимизда қўй-эчкилар таппа-таппа ўлиб қолаверди. Озуқа бўлмади, қиши қаттиқ келди. Баъзи хўжаликларда беш-ён минг қўй нобуд бўлди. Самолёт хизмати бўлса минг қўйнинг нархига тенг бўларда. Хўп, кўпроқ ҳам бўлсин. Лекин биз ҳар қанча харажат бўлса ҳам хўжалик чорвасини сақлаб қолишга тайёр эдик. Шу йил ҳам ёмон келди. Эҳтимол, деҳқонга яхшидир. Лекин бизнинг дидимизга ўтирмади бу йил. Чўпонларнинг асаби тараанг тортилган. У-бу десангиз, таёғини силтаб отади-да, қишлоғига жўнаб кетаверади. Минг ялиниб-ёлворинг, қайтмайди изига. Баҳона керак унга. Ҳалиги Даминов деганимиз кечакелувди олдимга. Ҳа, десам, чўпонликдан тўйиб бўлдим, дейди. Қишлоқ-қа кетмоқчи. Чўпонликдан обрў олиш қийин бўлиб қолди, дейди. Чўпоннинг устидан хўжайин кўпайиб кетди. Чўпон кимга итоат қилиши, кимни тинглаши кераклигини билмай қолди. Бир бизда эмас, ҳов, қўшни хўжаликларда ҳам шундай. Ҳали, зоотехник, сиз менга бир-икки оғиз аччиқ-аччиқ галирдингиз-а? Чорвага мен

жавоб бераман. Областдан меҳмон келибди-ю, мен бе-хабарман. Чўпонлар ўртасидаги мусобақани ҳар ўн кунда якунлаётирмиз. Кечаки Тўхтамиш Бобохоновга: «Гайрат қил, Хўшибоқдан ўзадиганга ўхтайсан», десам. «Э, мудир, бизники 170 дан бўлди, ҳали хабарингиз йўқми, райондан келган вакил ҳоли-жонимга қўймай, ўзгартирди мажбуриятимни», деди. Мен қизариб қолдим. Мусобақа дейсиз-у, яна ўзимиз унинг тартибига, шартига амал қилмаймиз, ҳовлиқамиз. Ахир олдин ўши биринчи марта қабул қилган мажбуриятини бажарсин, правлениенинг мукофотини олсин, унинг қўшимча мажбурият олиши қийин эмасди... Нима дейсиз, домла?

Мен ўйлаб қолдим. Мудир ҳақ эди назаримда. Чунки мажбуриятни тез-тез ўзгартиравериш унга енгилелли муносабатда бўлиш кайфиятини туғдирини эҳтимолдан узоқ эмасди. Абдулла Набиев совхози ташкил этилган йили шундай бир воқеа бўлганди. Бригада бошлиги чигит қадаб бўлгач, партком секретари далага келиб, бригаданинг мажбурияти ва ким билан мусобақалашувини сўраб, қўйин дафтариға ёзib олди. Гўза тез бўйга тортади. Теваракатрофдаги бригадалар гўзасидан олдинроқ гуллайди. Кўсакни ҳам эрта боғлайди. Ҳар гал партком секретари келиб, мажбурият центнерини ошириб кетаверади. Охири, ҳар тупда икки-уч донадан пахта очилганда келиб: «Бригадир, бу ердан 35 эмас, 40 центнердан оласиз, имоним комил, шунча бўлади», дейди. Шунда бригадир қўлига каттакон кесакни олиб, парткомга ташланади. «Сен мени калака қиляпсан, ўйнатаяпсан! Мажбурият дегани ўйинми сенга, оғзингнинг бир четидан лип этиб чиқади! Қани, жўнаб қол-чи, бу ердан», дейди. Оқибати нима бўлди деңг? Бригадир партком секретари билаан чиқишолмай, бошқа совхозга кўчиб ўтди.

— Рост айтасиз,— деди ферма мудири бу ҳикояни кулиб тингларкан.— Беллашувнинг энг олий шарти, бу, олинган мажбуриятни бажариш, шундай эмасми?

Ҳамма ҳаракат, ҳамма имконият шунга қаратилади. Енгиш-енгилиш эса пойга чизигига ким олдин, ким ке-йин етиб келишига қараб аниқланади. Шундай бўлгач, биз ҳеч кимни пойгадан тўхтатмаслигимиз керак. Охирига етсин, енгсин, куч-куввати етса, марҳамат, яна давом этаверади. Беллашув шарти шундай. Бу қатъий қоида бўлиб қолиши лозим.

Денов районидаги «Ғалаба» колхози раиси Абдураҳмон Ниёзов мусобақанинг бошқа бир шарти ҳақида ҳикоя қилганди. «Ғалаба» колхози кўп йиллардан бери областда энг илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Пахта, ғалла ҳосилдорлиги йил сайнин ошиб боряпти. Чорвачилик ривожланаётир.

— Шу ютуқлар,— дейди Абдураҳмон ака Ниёзов,— мусобақа туфайли қўлга киритилди. Аммо мусобақа деганингиз, икки кишининг қўл олишиб, ваъда бериши билан амалга ошавермайди. Мусобақани жонлантириш учун ҳар куни шуғулланиш керак.

Оддий бир мисол. Раҳмон Дудаловни бутун область пахтакорлари яхши танийдилар. Эллик центнерчи бригада бошлиғи у. Урол Пардаев-чи! У ҳам Дудаловга етиш учун бел боғлаган. Нияти яхши, кўзлаган марраси юксак. Етмиш иккинчи йили Ўрол Раҳмон билан беллашишига журъат қилди. Ҳаммамиз олқишиладик, унга шароит яратдик, минерал ўғит, техника, сув дегандай қўшимча ёрдам қилдик. Қарийб бир ой Раҳмон Дудалов бригадасидан гоҳ ўзиб, гоҳ сал-пал ортда қолиб борди. Сентябрь ўтиб, октябрь келганда ҳар куни ярим, баъзан бир процент ортда қола бошлади. Бир кун ҳеч нарсани билмагандай Ўрол Пардаевнинг шийпонига бордим. Ўрол қуайи картадан чиқиб келди.

— Аҳвол қалай?— дедим унга.

— Маза йўқ, раис,— деди у синиқ оҳангда.— Бургут бургут экан-да, парвози баланд. Сира тутқич бермаётир, бу, Дудалов. Энди биз енгилдик.

— Нега, нега? Қани, пахтангизнинг қўрини кўрай-

лик-чи, мен ҳозир Дудалов бригадасида ҳам бўлдим. У сизни ўзиб кетади, деган фикрда-ку,— дедим.— Зап одам билан беллашган эканман, шошириб қўйди, тирногимгача терга ботдим, деялти-ку у.

— Йўғ-е,— деди Ўрол чиройи очилиб.

Пахтазорни оралаб, пайкал чўфи Дудалов бригадасиникидан баланд эканлигига уни ишонтирдим.

— Аммо бир камчилик ўтибди сиздан,— дедим унга яқинроқ келиб.— Сиз қўлни совитисиз, Дудаловга маънавий таслим бўлибсиз. Бригадир одимини судраб ташлагач, унинг изидан келаётган аъзолари баттар секин юришади, тўғрими? Сизга «Ўзбекистон» машинаси юбораман, Дудаловда бир машина ишлайди, сизда иккита. Октябрнинг ўн-ўн бешида мусобақага якун ясаймиз. Шунгача белни икки жойидан боғлайсиз, келишдикми? Гап — журъатда. Қаҳрамонлик туғма бўлмайди. У фақат ботирларга ато қиласи.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Ўрол Пардаев бригадаси бир ҳафтага қолмай, колхоз «Кўргазма тахтаси»нинг энг юқорисига чиқиб олди. Демак, енгилаётган кишини ҳам далда бериб, ёрдам қилиб, оёққча турғазиш мумкин экан-да. Менинг ҳамкасларим эса кўпинча бунинг аксини қилишади. Бирор мусобақада устун келяптими, илғор бўлиб олдими — бор бисотидаги мақтov сўзларини ўша кишига атайди. Уни силаб-сийпайди, бирон илтимос ёки талаби оғзидан чиқар-чиқмас муҳайё қиласи. Бу эса енгилаётганларга қаттиқ таъсир этади, уларни пассивлашиб, «тақдирга тан бериб» қолишга мажбур қиласи.

Мақсад — мусобақадошнинг бири енгиб, иккинчиси енгилишидами ёки мусобақа баҳона, меҳнат аҳли куч-куввати, диққат-эътиборини мўл ҳосил этиштиришга, уни йиғиб олишга қаратишда, жалб этишдами?

Яна...

Мусобақа шартлари ижодий ёндошишни, шароитга мослашишни тақозо қиласи. Ҳеч ким мусобақани

маълум схемага солиб ёки доира ичига олиб чизиб берган эмас. Мусобақа доираси чексиз. У чуқур ўйлаш, тадбиркорлик, ишга меҳр, интилиш, изланиш меваси сифатида мазмунан бойиб, қиммати ошиб бораверади.

Абдураҳмон Ниёзөвга бу оқилона сўзлари учун миннатдорчилик билдиргандим ўшанда.

Яна бир марта раҳмат дейман!

КИМ ОЛДИНДА?

— Ким олдинда?

Район ва хўжаликларда бўлган ҳар бир киши йиғим-терим, тўл олиш ёки ғалла ўрими пайтида ким олдинда бораётганилигини албатта суриштиради. Қишлоқда сұҳбат бусиз бошланмайди. Одамлар эрталабданоқ ҳали бўёғи қуриб улгурмаган газетани ҳам қайси колектив олдинда бораётганилигини билиш ниятида варақлайди. Базан шийпонда ёки хўжалик «Кўргазма тахтаси» ёнида кечқурунлари катта-катта тўпланишиб, худди футбол ишқибозлари сингари ғолиблар ҳақида баҳса-лашадилар. Ғолиблик сабабини ҳар ким ҳар хил талқин қиласди. Айтайлик, Шўрчи районидаги Тўлғаной Пардаева бошлиқ бригада биринчи ўн кунликда ҳам, иккинчи ўн кунликда ҳам хўжаликда пешқадам бўлди, суръатнинг ошиши таъминланди. Шу икки декада давомида бригада қарийиб етмиш процент ҳосилни йиғиб олди, дейлик.

Бирор Тўлғанойнинг гайратига қойил қолиб, ташкилотчилик қобилиятини кўкларга кўтариб мақтайди. Иккинчи бир сұҳбатдошга бу мақтовлар ёқмайди, у қўл силтаб қўяди ва:

— Мақташини қара-я! Унинг ери бошқа ҳамма бригадаларникига қараганда яхши бўлса, бунинг устига раис ҳар куни кўз-қулоқ: Пардаев нима деса, ўша зоҳотиёқ, муҳайё қиласди. Намуна қилиб кўрсатадиган

яккаю ягона биргадамиз шу, дейди раис. Вакил келди дегунча машина рули ўша томонга бурилади. У зўр-да. Олий Советга депутат. Обком, райком йиғилийларида сўзлайди,— дейди.

— Хўш, нима бўпти? Олдинда бораётганига обрў-эътибори сабаб деяпсанми?

— Ҳа-да. Обрў-эътибор, шунга қараб берилган ёрдам... Ахир, мусобақада у енгмай, ким енгсин.

— Нотўғри ўйлайсан, ошнам.

— Хўп, қуллуқ, бизники нотўғри экан, манави саволларимга жавоб бер-чи? Ери олийми? Олий! Нормадагидан ортиқ ўғит олганми? Олган!

— Қаердан биласан ортиқ олганини?

— Олган-да. У олмай ким олсин, ахир! Раисга ўғит керак, деган, раис хўп бўлади, сингилжон, деган, та мом-вассалом. Сен чил берма-да, гапираётгандা. Хўш... Чопиқ трактори янгими? Янги! Сен ишлаётган бригада одамлари терган пахтаси учун ўша куниёқ пул оладими? Олмайди! Опанинг пахта ортган тележкаси пунктдан қайтганими? Қайтмаган! Яна нима керак сен-га? Айтаверами?..

— Бўлди, бўлди! Ҳамма гапинг таҳмин, ошнам.

— Эҳ-ҳе, таҳмин эмиш-а!..

Баҳс шу алпозда давом этади. Баҳслашувчилар бир тўхтамга келмай, уй-уйларига тарқалишади. Бундай баҳсларни четдан тинглаган киши беихтиёр ўйга чўмади, турли мулоҳазаларга боради.

Хўш, ким олдинда? Бу саволга жавоб бериш бугуннинг муҳим масаласи бўлиб қолди. Тонналарга ёки олинган қўзи сонига қараб мусобақа пешқадамини аниқлаш тажрибаси кўпчиликни қониқтирмаётир шекилли.

— Нега?

Мана, кураш мусобақасини олинг. Спортчилар беллашувидан олдин уларнинг вазни ўлчанади, ёши, неча йилдан бери спорт билан шуғулланаётганилиги аниқла-

нади. Ҳамма шартлар мос түшсә, уларга кураш майдонига чиқышга рухсат берилади. Судьялар бирнө оғир, иккинчиси енгил вазнили спортчини ҳеч қачон ўртага чиқармайдилар.

Нега, айтайлик, шу тартибни бригадалар, хўжаликлар, районлар мусобақасида қўллаб бўлмаскин? Мусобақалаштиришдан олдин ер шароити, ишчи кучи, техника қуввати ўрганиб чиқилса, тажрибаси, билими ҳисобга олинса, беллашувдаги тенгизлизикка бир қадар барҳам бериш имконияти туғиларди-ку. Шундай қилганда, тенг имкониятга, бир хил шароитга эга коллективлар мусобақалашардилар.

Термиз районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозида шу тартибга қисман амал қилинаётганга ўхшайди. Колхознинг Сайит Эшқулов ва Эшқул Қурбонов бошлиқ бригадалари ҳар йили мусобақалашадилар. Бу бригадаларниг ҳар бир аъзоси ҳам ўзаро беллашади. Шунинг учунми, шийпонда, идорада ёки йиғилишу кенгашлардами — хуллас, қаерда бўлмасин, мусобақадошлар бир-бирларини учратиб қолишганда, ибратли ишлари ҳақида гапирадилар. Яхшигина суҳбат қандай якунланади денг?

— Сен енгиласан! — дейди Сайит. Шунда Эшқулов айтади.

— Сен енгиласан!

— Хўш, кўрамиз, ким кимни енгаркин?

— Бўпти, кўрамиз!

Борди-ю, Сайит бир қадар қулай, ортиқроқ имкониятга эга бўлганда Эшқул у билан шунчалик дадил сўзлаша олармиди? Иёқ албатта. Унда суҳбат юз-кўз ҳурматига бўларди, эҳтимол, бир қисм қилинган ишлар хаспушланиб, мусобақадошлар бир-бирларини хотиржам қилиб қўярдилар. Хуллас, мусобақа кучи, билим ва тажрибаси, ери бир хил бўлган коллективда соғлом, чинакамига «ким кимни енгади!» шиори остида юксалади.

Ким олдинда? Бу ҳолда ким кимни енгса, шу олдинда бўлади-да!

Еки йирикроқ бошқа бир мисол. Ҳар йили пахта йигим-терими даврида районларо кўчма Қизил байроқ таъсис этилади. Қизил байроқни дастлаб Сариосиё райони олади. Теримнинг ўрталарига келиб, у жарқўргонлик ёки шерободликлар қўлига ўтади. Бироң декада гагаринликлар ҳам ушлаб туришлари мумкин.

Октябрь ойининг охиридан терим ишлари ниҳоясига етгунга қадар термизликлар ҳам республика, ҳам области, кўчма Қизил байроқларини қўлда сақлаб турадилар. Қизиқ томони шундаки, байроқ деярли ҳар йили шу тартибда қўлдан қўлга ўтади.

Хўш, термизликлар оти нега энг охирида чопиб қолади? Жарқўргонликлар нега биринчи бўлиб байроқни ололмайдилар, ахир, улар юқори ҳосил олишда ҳамманни қойил қолдираётган пахта усталари-ку? Бу фарқнинг сири жуда оддий. Термиз районидаги жамики хўжаликларда ипак пахта етиширилади. Жарқўргон районида бир қисм ипак, бир қисм оқ пахта ўстирилади. Пахтанинг совет сорти ипак пахтага нисбатан анча эрта очилади. У ерларда дефолиация ўtkазиб, ҳосилни қисқа кунларда машиналар ёрдамида териб олиш мумкин. Ипак пахта-чи? Ипак пахта ҳаво совий бошлагач авжига чиқади, чаман бўлади. Лекин у чаман бўлгунга қадар ипак пахта эқкан район ва хўжалик раҳбарлари боши танқиддан чиқмайди.

— Суръат суст,— дейди масъул ўртоқ.— Ишламаяпсиз, ўртоқ секретарь. Сизга топшириқ... бугун суръатни икки баравар оширасиз!

Секретарь ўйлади. «Нега ахир биз ипак пахта экаяпмиз? Оқ пахта экиб, оч қорним, тинч қулогим, деб ўтирумаймизми? Олтмишинчи йиллар эккандик, совет сортидан. Бинойидек мақташарди раҳбарлар. Илгор дейишарди. Байроқ топшириб, устига аллақанча пул, мошин ҳам қўшиб беришарди. Ипак... Жон азоби экан.

Лекин барибир ўзамиз, ҳали, қараб туришсии, кунлик суръатда рўйхатнинг бошига чиқиб оламиз. Бир аммо-си, шу, кейин чопишимизда-да. Бу бизга боғлиқми? Биз-нинг қўлнимизда эмас-да, ахир!

Нега энди ҳамма районлар учун бир байроқ? Хўжа-ликлараро мусобақа яхши ўйланган. Йпак пахта етиширувчилар учун алоҳида байроқ қўйилган. Районлар учун-чи? Битта. Оқ пахта йигаётганларга етиб бўпсан! Кечакундуз ҳаллослаб юурсанг ҳам қарийб бир ой дум тутқазишмайди. Кейин гал бизники. Хўш, ким олдинда, айтинг-чи?».

Бир раис бизга роса мақтанди. Районда пахта ҳосилдорлиги бўйича биринчи ўринда бораётirmиз, деди. Лекин раис бизни ўз уйида тунашга таклиф қилди.

— Меҳмонхона йўқми? — дедик.

— Йўқ, қуриш мўлжалидаги юрибмиз, — деди раис. — Идорамизни кўрдингиз, колхозлар бирлаштирилган йили қурилган, янгисини қурамиз деяпмиз.

Биз қишлоқларни айландик. Ҳар ким хоҳлаган жойдан ўзи билган шаклга солиб, уй қуриб олибди. Клуб сувоги кўчган. Кутубхона тор, поли зах. Кинотеатрда ҳафталаб фильмлар кўрсатилмайди. Биз шу камчиликларни алоҳида таъкидлаб, справка ёздик ва раисга ўқиб бердик.

Раис ажабланди.

— Ахир, бир районда обрўли ўриндамиз, сиз бўлса, ҳаммасини йўққа чиқариб кетяпсиз, — деди. Қаерларгадир, хотирдан кўтарилибди, шикоят ҳам қилмоқчи бўлди. Биз раиснинг колхоз маданияти ҳақида кам бош қотиргандигини, пахтадан бўлак ишларга бурилиб ҳам қарамаганлигини такрор айтдик. У бир зум сукут сақлаб тургач, охири:

— Бу ёғини қўлга оламиз десак, пойгадан ортда қоламиз-да, беллашувнинг энг зўри пахта-ю чорвада-да, акавой, — деди.

Хүш, ким олдинда? Шу колхоз раиси, мен мусобекада илформан, деб күкрагига урса, ҳақлами?

Бундай мисолни чорвачилик соҳасидан ҳам келтириш мумкин. Айтайлик, бир фермада молхоналар ифлос, механизациялаш даражаси паст. Бироқ планни ой ма-ой бажариб келади. Нима ҳисобига? Қўл ҳучи ҳисобига-да. Қарабсизки, ишлаб чиқариш маданиятини паст Аммо ферма илфор саналади. Ҳар литр сут неча сўмга тушаётир, ферма қанча зарар келтираётир — бу, эҳтимол, мудирни ҳам қизиқтирмаса керак. Планни ҳаммадан олдин бажардими, ҳалоли бўлсин, у мусобақа илгори!

Бойсунлик чорвадор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Шамаевга шундай дегудек бўлсангиз, бош иргайди, қуруқшаган юзидағи тартибсиз чизиқлар қалинлашади.

— Ана шуниси бўлмайди, укам,— дейди у.— Мен шу тартибга рози эмасман. Нега десангиз, бу билан ким олдинга интилаётганини билиб бўлмайди. Хўп, борингки, маҳсулот етишириш икки-уч баравар кўпайсин ҳам. Кўп сарф-харажат ҳисобига кўпайтирилган маҳсулот оғизга тотли маза бермайди. Арzon сут, гўшт ширин келади, ҳа! Техника қўлланса, маданият оширилса, арzon маҳсулот олиш мумкин. Ягона йўл шу. Йўқ, бизда ҳамма нарсани маҳсулот салмоғи ҳал қилиб юборяпти. Шунга қўникиб қолганмиз. Бир литр сутни машинада соғиб олган қайда, қўлда соғиб олган қайда? Энди биз буларнинг қайси бири афзал эканлигини ажратиб ола билишимиз керак.

Биринчиликка арзимаган фермага ёки бригадага бу ўринни беришдан кўра ёмон хато йўқ. Бу кишини қўл учida ишлашга, хатоларни кўролмай қолишга, лоқайдликка, қиммат маҳсулот етиширишга олиб келади, шунга ўргатиб қўяди одамни.

Сиз бир ўйлаб кўринг. Арзирли меҳнат қилмаган киши тақдирланади дейлик. Бундай ҳоллар денгиздан

томчи бўлса-да, учраб турибди. Айтайлик, ўша кишига медаль берилди ёки фахрй ёрлиқ. У бу мукофотни қабул қилиб олатуриб, шунчаки йўлигагина хиёл жилмаяди холос. Унинг қалби тўлқинланмайди. Демак, у бу мукофотдан руҳланмайди ҳам.

Хўш, ким олдинда?

СЎЗ ВАЗНИ

Зал тўла одам. Колхоз раислари, совхоз директорлари, илфор бўлим ва бригадаларнинг бошлиқлари ўтиришибди. Минбарга кўкрагида «Уроқ ва Болға» олтин медали порлаб турган киши кўтарилди. У қора жун костюми ён чўнтағидан қўнғир тусли қўйин дафтарчасини олиб, сўзни нимадан бошласам экан, деган маънода хиёл ўйлаб олади. Сўнг бошидаги оҳори тушмаган чуст дўиписини ўнг кафти билан сал босиброқ қўяди ва икки-уч ип тортган пешонасини енгилгина силаганча:

— Ўртоқлар,— дея мурожаат қиласи мажлис аҳлига.— Бизning колхозимизни воҳада ҳам, қолаверса, республикамизда ҳам «пахта фабрикаси» деб аташади. Қўли қадоқ, заҳматкаш дехқонлар қўйишган бу номни! Биз эса шу номга яраша меҳнат қилиш учун кучимизни ва маҳоратимизни аямаймиз.— Залда ўтирганларга бу сўзлар бир оз эриш туюлади. Улар нотиқдан салмоқлироқ гап кутишарди. Нотиқ ҳам худди шу ҳолатни фаҳмлаб олгандек гапни лўнда-лўнда қилиб ташлайди.— Бу йил ҳам орзу-ниятимиз катта. Пахтакорларимиз она-Ватан хирмонига 20 минг тонна пахта етказиб беришга қарор қилдилар.

Залда қарсаклар янгради. У ер бу ерда овозлар эшитилди: «Балли, отангга раҳмат!», «Қандингни ур, бободеҳқон!» Бу сўзларни худди шу нотиқ каби мўлкўл ноз-неъматлар бунёд этиш ишқида меҳнат қилаётгандар айтишаётган эди. Бу сўзлар иқтисодий бақувват,

йирик хўжалик пахтакору чорвадорлари, сабзавоткору соҳибкорлари шаҳдам ва дадил одимига қойил қолиш ифодаси эди. Бу сўзлар, ниҳоят, ой байроғида Октябрь революцияси ордени қадалган хўжалик раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, моҳир раҳбар Бобомурод Омонов шаънига айтилаётган эди.

Хўш, раис, шунингдек, бутун хўжалик аҳли бу қадар кўпчиликнинг иззат-хўрматини қандай қозондилар. Шу ҳақда биз уста дехқон Бобомурод Омонов билан бир пиёла чой устида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Бу саволингизга ўша каттакон йиғилишда, область қишлоқ хўжалик ходимлари кенгashiда аниқ жавоб олдингиз шекилли.

— Ҳа, шундай. Лекин ҳамма ҳам минбарда туриб берган ваъдасининг уддасидан чиқавермайди-да!

Раис қошлиарини учириб, кўзларини иссиқ кўк чой ҳовури кўтарилаётган пиёлага қадади. Кейин мен томонга зимдан кўз қирини ташлади-да, жилмайиб қўйди.

— Мана бу бўлак гап. Ваъданинг ҳам ваъдаси бўлади, ҳа, рост. Бирор, қироатхонликни, қарсакни яхши кўради. Бошқа бирор эса қарсак гадоси эмас, сўзи устидан чиқса, жамики олам қарсак чалгандек бўлади унга. Биринчиси, таҳминан, баландпарвоз гапни ёқтиради. Иккинчиси, етти ўлчаб бир кесади.

Бундан беш-олти йил олдин ишлаган бир раисни биламан. Ўзи ёмон раҳбар эмасди. Ишни ҳам дуппа-дуруст ташкил қила оларди. Пахта сир-асрорларини тушунарди. Лекин бир номақбул одати бор эди. Областдами, райондами, катта-кичик йиғилиш бўлди дегунча сўз оларди-да, ишимиз ундоқ, ишимиз бундоқ деб мақтанишини ёқтиради. Шунда, у гапини тугатар-тугатмас, президиумда ўтирган ўртоқлардан бири таклиф киритарди: «Ғўзангиз бу қадар авжида экан, нега мажбуриятингизни қайта қараб чиқмадингиз» деярди. Ҳалиги раис денг бир зумда типирчилаб қоларди ва ҳалиги

масъул ўртоқнинг саволига жавоб беришга шошарди. «Биз,— деярди у,— кеча бригада бошлиқлари иштирокида правление йифилишини ўтказдик. Правление пахта ҳосилдорлигини яна тўрт процентга оширишга қарор қилди». Бошқа гапнинг кераги йўқ эди. Масъул ўртоқ қарсак чалиб юборар, унга ўтирганлар ҳам қўшилардилар. Раис димоги чоғ бўлиб, керилиб минбардан тушарди.

Унинг керилиши узоққа бормади. Кузга келиб, ғалвир сувдан кўтарилаётган пайтда раис кечаси ҳам, кункузи ҳам тиним билмай, у бригададан бунисига, бир участкадан иккинчисига ҳаллослаб югурга бошлади. Ҳеч натижа чиқмади. Ҳосил охирги мисқолигача териб олинди. Раис бообрў жойларда берган ваъдасининг ярмини зўрга бажарди. Иккинчи йил унинг иши яна ўнгидан келмади. Шундан кейин у ваъдабоз раҳбар сифатида ишдан олиб ташланди.

Орадан бир неча йил ўтгач район марказида учратиб қолдим ўша ҳамкасбимни. У оғзи қулоғида, менга икки қўйуни чўзиб яқинлашди.

— Табриклайман, дўстим, табриклайман,— деди қўлимни маҳкам қисиб ва чўнтағидан уч-тўрт буклоглик газетани олиб кўрсатди.— Манавинда ажойиб хушхабарга кўзим тушди. 9 октябрда плани ошириб бажариш, давлатга 14 минг тонна пахта етказиб бериш... Яна 6 минг тонна мажбурият... Оҳ-о, чинакам қаҳрамонлик-ку бу! Районнинг учдан бир қисм пахтасини бир колхоз етказиб берса-я! Қойилман, дўстим, қойилман!

Мен унинг ҳам хурсанд бўлаётганлигини, айни пайтда эса ҳам ҳовлиқаётганлиги ва тарақ-туруқ гапираётганлигини кўриб-билиб, тирсагидан секин ушлаб, шивирлагансимон оҳангда таклиф қилдим:

— Юринг, чойхонадан бир пиёла чой ичайлик.

У таклифимни жон-дили билан қабул қилди. У энди ўзини анча босиб олганди. Гап айланиб келиб яна бизнинг меҳнат ғалабамизга тақалди.

— Бобомурод,— деди у,— мана сиз узоқ йиллардан бери раиссиз. Лекин, мен билганим, бирон йил ҳам айтганингиз муаллақда қолган эмас. Қайсиdir йили ўн минг тонна берамиз, дедингиз. Ўз қулоғим билан эши-тиб, «Хе, ўн минг тонна-я! Бериб бўпсан!»— деганим эсимда. Ўша йили ўн минг эмас, ўн икки минг тонна ҳосил олдиларинг. Мана, бу йил, йилда йигирма минг дегаисизлар, ҳалитдан ўн тўрт минг бўпти. Ўйлайман-ўйлайман, қандай аниқ режа тузишингизни ҳеч ақлимга сиғдира олмайман.

— Аниқ режа тузишми? Шу ҳайратга тушираялти-ми сизни?

— Ҳа, шундай.

— Ахир, жуда осон-ку!

— Қандай... жуда осон?

Шунда мен собиқ ҳамкасбимга Шўрчи районидаги «Ленинобод» колхози раиси Нормурод Норқобилов ва шу райондаги «Шарқ ўлдузи» колхозининг собиқ раиси Тоғай Ҳасановлар иш услуби ҳақида ҳикоя қилиб бердим.

«Ленинобод» колхози 1968 йилда районда энг қолоқ ҳўжалик ҳисобланарди. Ҳўжаликнинг бирон соҳасида ҳам дурустроқ натижа қўлга киритилмасди. Колхоз йил сайин камқувват бўлиб, тобора орқага қараб кета бошлиди. Баъзи бригадаларда пахта ҳосилдорлиги 11—12 центнерга тушиб қолди. Шу ҳам деҳқоннинг ишими, ахир! Лекин раис шунда ҳам колхоз бўйича ҳосилдорликни 30 центнерга етказамиз деб, чираниб юрди. Бўлмади. Гап бошқа-ю, иш бошқа экан.

Уша йили ҳўжаликка олий агрономлик маълумотига эга бўлган, серғайрат йигит Нормурод Норқобиловни раис қилиб сайлашди. Нормурод баландпарвоз гапларни ёқтирамайдиган раислардан бўлиб чиқди.

У йилда бир марта, район қишлоқ ҳўжалик ходимлари кенгашида ваъда беради. Кузда шу ваъдасидан

ошираса оширадиқи, аммо кам қылмайды. Мана, шу йилни олинг. Биз билан бир кунда пахта тайёrlаш планини бажарғанлығи ҳақында рапорт берди. Гектар бошига 40 центнердан ҳосил олишибди, азаматлар.

У 1973 йили ҳар гектар пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил оламиз, деб ваъда берганди. Лекин ҳосилдорлик 47,3 центнерга етказилди. 1974 йилда эса олдинги йилги мэррани октябрь ойида эгаллаб, ноябрда 55 центнердан пахта териб олингандыгини әлга маълум қилмоқчи. Кўрдингизми, йил бошида белгиланган имкониятдагидан анча ортиқ! Мана буни ваъда дейдилар, мана буни лафзи ҳалоллик дейдилар!

Энди шу мисолнинг тескариси юз берган манзарага ҳам бир диққат қилинг, дўстим. «Шарқ юлдузи» колхозини қаранг. Бир вақтлар жуда зўр хўжалик сифатида тилга олинарди. Айрим қолоқ колхозларнинг мутахассислари ҳафта-ён кунга келиб, бу хўжалик тажрибаларини ўрганиб қайтардилар. Хўш, карвоннинг олдида бораётган колхоз бугунги кунга келиб нега зўрға-эўрға одимладиган бўлиб қолди? Хўжалиқда чорвачиликдан бир неча баравар зиён кўрилди. Пахтачилик бригадалари ҳосилдорлиги, колхозчилар даромади ҳеч кимни қониқтирамайди. Ҳамма айб собиқ раисда эди. Узун-қулоқ гапларга қараганда, улфатлар даврасида ҳам кўкрагига уриб ўтиаркан: «Ўндоқ қиласман, бундоқ қиласман...» Қани ўша ваъдалар?! Мард майдонда ўзини кўрсатсанда! Қуруқ-қурум мақтаниш сариқ чақанинг жарангжурунгини хаёлан эшитиш билан баравар эмасми? Хўш, энди, тушундингизми, дўстим, осон эканми?

— Сал-пал тушундим шекилли.

— Хўш?

— Ҳа, энди... кўп нарса раҳбарга боғлиқ демоқчиз-да, а?

— Колхозни олга етаклаш раҳбарга боғлиқ, албатта. Бу, шубҳасиз. Аммо, бу биринчиси. Иккинчиси, мен сизга айтсан, кўпчилик билан бамаслаҳат иш тутишда.

дәхқончилик соҳасидаги ютуқ ва тажрибалар, прогрессив метод ва усуллар ноз-неъмат бунёдкорлари — тракторчи, сувчи, теримчини, ғаллакору чорвадорни, соҳибкорни турли адабиётларга мурожаат қилишга мажбур этаётір.

1974 йилда область босмахоналари, нашриёт өмірінен савдо-жыныспаралардың күннен күннеге көзінде көрсеткіштіктерінде көрсетілген китоб савдоси ходимлари көңгірде обком секретари Холмірза Холиев өзінде олиб, бундай деган зерттеуде:

— Дәхқон китоб үқиши керак. Китоб савдоси ходимлари эса улар ҳәётидаги, психологиясындағи бу ўзғарышни ҳали яхши пайқаб олмаганга ўхшайдылар. Йўқ, ўртоқлар, бугунги дәхқоннинг орзу-йиі, интилиши, талаб-эхтиёжи, парвози тамоман ўзгача. Биз улар қалбини чуқурроқ тинглашимиз керак.

Ха, шундай. Қишлоқ ақли даврасида бўлиб, улар билан суҳбатлашсангиз, бир олам тасаввур ҳосил қиласиз. «Дәхқонларимиз нақадар илмли бўлиб кетишибди-я!», дейсиз беихтиёр. Мен бир неча бор шундай хуло-сага келганман. Дәхқонларнинг ишлаб чиқаришни илмий ташкил қилиш, бугунги қишлоқ муаммолари бобидаги мушоҳадаларини тинглаб қойил қолганман. Қуйинда шундай суҳбатлардан бирини ҳурматли ўқувчи дикқатига ҳавола қилмоқчиман.

Гулбой Хайбуллаев Шўрчи районидаги манман деган паҳтакор билан беллашишга тайёр. У 1974 йилда қарийиб 62 центнердан хирмон уйди. Ҳар йили паҳтаси гектар ҳисобига ўн центнердан ошиб бораяпти. Бу ютуқни эшиштагач, ҳамма ҳам унинг сирини суриштиради, албатта. Шуни Гулбой Хайбуллаев секин гапира бошлиди.

— Алмашлаб экишни бошлаганимизга анча бўлди. Аммо гербицитдан биринчи марта 1973 йилда фойдаландик. Дастанлаб бирон беш-олти гектар майдонга қўлланмоқчи эдик. Лекин қиши ойларида китоб магазинларини излаб, бир нечта адабиёт сотиб олдим. Ростини айтсам, бунга Эрдон сабабчи. Эрдон Қўзимуродов ҳали ёш.

Институтни тамомлаган. Ҳосилдорликда биздан устун. Шу йигит айтиб қолди: «Гулбой ака, гербицитни си nab күринг, нафи тегиб қолар», деди ва газеталарда чиққан маслаҳатларни, адабиётларни ўқиганлигини айтди. Шу... Раис Нормурод Норқобиловга ҳамма майдонларни гербицит билан ишлаб, чигит экамиз, дедим. Раис: «Бу ҳақда сизга ким маслаҳат берди?» деб сўради. Мен унга китобларни кўрсатдим. Раис жилмайди. Бўпти, айтганингиздай бўлсин, деди.

— Аммо,— дейди машъал бригада бошлиғи ҳикоясини хulosалаб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, илфорлар ютуқ ва тажрибаларига оид китоблар бизнинг район ва область магазинларимизда жуда кам. Баъзан ҳафталаб излайсан-у, истаган адабиётингни топа олмайсан.

Бунинг устига қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар, масалан, «Ўзбекистон» нашриёти чиқараётган илфор хўжаликлар тажрибалари ҳақидаги рисолалар жуда оз нусхада чиқарилмоқда. Илфор пахтачилик бригадалари, чорвачилик фермалари тажрибалари ёритилган адабиётларни аҳён-аҳёндагина учратамиз.

Бу борада термизлик паҳта устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бозор Раҳмоновнинг ҳам дилида анча-мунча гаплар бор. Мана, у нима дейди:

— Қишлоқларимиз йилдан-йил ободонлашиб бораёттири. Лекин шу қайта қурилишлар жараённида бир нарса унутиб юборилмоқда. Бундан 5—10 йил олдин аралаш моллар магазинларининг бир томони китоблар учун ажратилиарди. Ўша ҳам бир нав экан. Ҳар ҳолда қишлоқда аҳоли сал-пал бўлса-да китоб сотиб олиш имкониятига эга бўларди. Бир неча йил бўлди, бу магазинларда китоб сотиш ман этилди. Бизнингча, тўғри қилинди. Негаки, у китобларнинг баъзилари магазинларда йиллаб ётавериб, муқоваси сарғайиб кетган бадний асарлар эди. Улар орасида қишлоқ хўжалигига оид китоблар деярли бўлмасди.

Шу эскирган, варақлари сарғайған китоблар магазинлардан йиғиб олингач, район марказларида китоб магазинлари очилди. Бу яхши, албатта. Лекин бу тадбирниң жуда ҳам ноқулай бир томони бор. Бу ноқулайлик у магазинларнинг асосий қўпчилик қишлоқ кишиларидан узоқда жойлашганлигига. Ҳамма колхозчи ҳам район марказига истаган вақтда бориш имкониятига эга эмас-да!

Китоб савдоси, матлубот жамиятлари раҳбарлари бу масалада анча сусткашликка йўл қўяётиларми, дейман-да. Улар қишлоқда китоб магазинлари қуриш билан етарли қизиқмайтилар чамаси. Шунинг учун бўлса керак, қишлоқларнинг аксариятида китоб дўконлари йўқ.

Қишлоқ хўжалик бошқармалари қишлоқ хўжалигига онд адабиётлар тақсимоти, уларнинг колхоз ва совхозларга етказиб берилиши, шийпонларга тарқатилиши билан шугулланмайдилар. Қишлоқ кутубхоналарида бундай адабиётлар бор-йўқлиги ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ходимларидан бир қисми пахтачилик, чорвачилик ва деҳқончиликнинг бошқа соҳаларидаги янгиликлар, ютуқ ва тажрибалар билан етарли таниш эмаслар. Айрим яхши ишларнинг деҳқончиликка секинлик билан жорий этилаётганлик сабаби худди ана шунда эмасмикан?

Деҳқон мутолаа қилиши керак.

У қанча кўп китоб варақласа, мўл-кўл ноз-неъматлар етиштириш шунча кўпаяди, осонлашади, таниархи арzonлашади.

ГАП НУҚТАГА ЕТГАНДА

Кундаликнинг сўнгги варақлари. Эҳтимол... Ҳар ҳолда унинг сўнгги бор. Аммо ишнинг сўнгги йўқ. Деҳқон далада тер тўқади. «Зангори кема»лар мотори пахтакор

дөнгизида гувиллайды. «Оқ олтин» юклаган тележкалар қабул пунктлари томон тинимсиз қатнайверади.

Күй-күзилар күпаяди, сурувга сурув құшилаверади.
Қишлоқларимиз юксалади.

Одамларимиз юксалади,

Олга шаҳдам одим тащлайверамиз.

Сиз А. Г. Бузницкийнің «Мироновка меридиани»ни ўқиганмисиз? Кекса деңқон ушбу рисоласида юқоридағи сингари фикрни баралла айтади. Ҳа, биз юксаламиз! Демак, биз, одамлар құли билан яратилажак барча нарсалар ҳам күпаяди. Бу табиат қонуни. Аксинча юксалиш сўзи маъносини йўқотган бўлурди.

Яна, у, Киев областидаги Жданов номли колхоз раиси, Социалистик Мехнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати Александр Григорьевич Бузницкий бундай деди: «Хоҳлайман ёки хоҳламайман,— бу, шахсий. «Керак» эса — ижтимоий. Ижтимоий манфаатдорлик — колхоз асосининг асоси. Колхоз ўзаро муносабати асосининг асоси — колективизм. Шу заминда нимаики лозим бўлса — дала ва фермаларнинг юксак унумдорлигини таъминлаш, турмуш ва маданиятни юксалтиришга эришиш мумкин. Асос — ижтимоий манфаатдорликми? Демак, унга кўпроқ эътибор лозим. Ижтимоий меҳнатга онгли муносабат... Ижтимоий мулкка ҳурмат, эъзоз... Ҳаммаси шуми? Эҳтимол. Лекин булар — энг муҳимлари. Буларни фақат энг асосий бир шароит: колективизмнинг бунёдкорона кучи тўла-тўқис ҳаракатга келтирилган вақтда амалга ошириш мумкин».

Бунга қўшимча бирон нарса дейиш қийин.

МУНДАРИЖА

Ер баҳоси	:	3
Дәхқон ерга қалб ҳароратини беради	:	4
Кесак кимга керак?	:	14
Тонналар мақтөв учун ўлчовми?	:	24
Чўпон таёғи	:	32
Чорвадор орзуси	:	39
Яйлов можароси	:	47
Беллашув шарти	:	53
Ким олдинда?	:	63
Сўз вазни	:	69
Дәхқон мутолаа қилишни хоҳлайди	:	74
Гап нуктага етганда	:	78

На узбекском языке

НАРКУЛ ХАЙИТКУЛОВ

ПЕСНЯ О ЗЕМЛЕ

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1978

Редактор Э. Сиддиков
Рассом Н. Гавриненко
Расмлар редактори К. Алиев
Техн. редактор Г. Ахмаджонова
Корректор М. Назирова

ИБ 349

Босмахонага берилди 14/XI-1977 й. Босишига руҳсат этилди 31/I-1978 й. Формати 70×108 $\frac{1}{3}$, Босма листи 2,5. Шартли босма листи 3,5. Нашр. листи 3,54. Тиражи 15000. Шартнома № 82—77. Р—14010.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашириёти, 70029, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Мехнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Заказ № 2196, Бахоси 10 т. Коғоз 1.